Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 104 (9090). • 1987 йил 3 июнь • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла етиштириш ва давлатга сотиш планини бажарганликлари учун қуйидагилар область «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

ЧИНОЗ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Киров номли колхоз (раиси Х. Акрамов, партия ташкилотининг секретари Ё. Охунов, касаба союз ташкилотининг раиси Ш. Аҳмедов, комсомол ташкилотининг секретари Г. Даленова, пиллачилик бўйича агротехник И. Сайдалиев).

«Москва» колхози (раиси Ж. Араббоев, партия ташкилотининг секретари С. Ағинбоев, касаба союз ташкилотининг раиси М. Юсупов, комсомол ташкилотининг секретари И. Исмоилов, пиллачилик бўйича агротехник И. Исмоилов).

ТОШКЕНТ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Ленин йўли» колхози (раиси С. Муҳаммаджонов, партия ташкилотининг секретари М. Ҳидоятов, касаба союз ташкилотининг раиси С. Абдураҳимов, комсомол ташкилотининг секретари А. Сулаймонов, пиллачилик бўйича агротехник Б. Муҳаммаджонов).

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Мусамуҳамедов номли совхоз (директори К. Алимбеков, партия ташкилотининг секретари И. Йўлдошев, касаба союз ташкилотининг раиси Б. Зайнутдинов, комсомол ташкилотининг секретари Н. Исоқова, пиллачилик бўйича агротехник Х. Жўраева).

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Интернационал» колхози (раиси И. Зуфаров, партия ташкилотининг секретари М. Тожибоев, касаба союз ташкилотининг раиси А. Кастаев, комсомол ташкилотининг секретари А. Жўраboев, пиллачилик бўйича агротехник М. Исломов).

ЎТГАН ҲАФТА ПОЧТАСИДАН

● РЕДАКЦИЯГА 25 МАЙДАН 30 МАЙГАЧА 248 ТА ХАТ КЕЛДИ.

● УЛАРДАН 8 ТАСИ ТАНҚИДИЙ ХАРАКТЕРГА ЭГА БЎЛИБ, 5 ТАСИ ТЕКШИРИШ ВА ЧОРА КЎРИШ УЧУН ТУРЛИ ТАШКИЛОТЛАРГА ЖЎНАТИЛДИ.

● ЎТГАН ҲАФТАДА РЕДАКЦИЯ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИ СОВЕТ МЕҲНАТКАШЛАРДАН 12 КИШИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ. 5 КИШИНИНГ АРИЗАСИ ТЕКШИРИШ ВА ЧОРА КЎРИШ УЧУН ОЛИБ ҚОЛИНДИ.

● ЎТГАН ҲАФТАДА РЕДАКЦИЯ ПАРТИЯ, СОВЕТ, МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР, ТУРЛИ КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ НОМИГА ЮБОРИЛГАН ШИКОЯТ, АРИЗА, ТАНҚИДИЙ МАҚОЛА ВА ХАБАРЛАРДАН 14 ТАСИГА ЖАВОБ ОЛДИ. УЛАРДАН 10 ТАСИ ГАЗЕТА САҲИФАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

...Таклиф киритади

ҚАБУЛ ПУНКТИ КЕРАК

МАГАЗИНЛАРДАН сотиб олинган шарбатлар ва сувлардан бўшаган шишаларни дўконга топширамиз. Бу давлатга ҳам, ўзимизга ҳам фойда. Қолаверса, гап ана шу шишаларнинг қийматида ҳам эмас. Худди шундай гапни лезвиялар хусусида ҳам айтиш мумкин. Сотиб олинган турли лезвиялар ҳоҳ бир мартa, ҳоҳ икки-уч марта соқол олингандан кейин яроқсиз ҳолга келади ва уларни ташлаб юборамиз. Ҳолбуки, бир дона лезвияни ишлаб чиқариш учун давлат корхонасида маълум маблағ ва ишчи кучи сарфланади. Шундай экан, нега мана шу қимматбаҳо металлни чиқиндига ташлаб юбораверий керак. Уларни қабул қилиш жорий этилса, менимча мақсадга мувофиқ иш бўлар эди.

Қ. ҚЎЧҚОРОВ,
Чорвоқ.

...Танқид қилади

ЁЗМАНГ ЭМИШ...

АЛИМКЕНТ кондитер цехида ҳар куни 600—650 килограммдан 12 хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Биз Қосим Ёрматов бошлиқ бу цехда бўлганимизда қўли-қўлига тегмай меҳнат қилаётган 11 нафар аёл ғайратидан қувондиг-у, лекин уларнинг оғир иш шароити, цех жиҳозлари, алмисоқдан қолган ишлаш усуллари бизни ранжитди.

Қосим Ёрматовнинг айтишича, Оққўрғон район марказидаги кондитер цехи санитария-эпидемиология станцияси томонидан ёпиб қўйилгач, унинг юки ҳам Алимкент кондитер цехи коллективи зиммасига тушибди. Аммо бунчалик оғир юкни тортиш учун цехнинг ишлаб чиқариш қуввати етарли эмас. Ҳар бир ишчига бир ойда 800 килограммдан ёки 1000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи белгиланган пайтда цехнинг ишлаб чиқариш қуввати ҳисобга олинмаган. Кабинетда ўтириб белгиланган план бажарилмай, қандолатчиларни ҳижолатга қўйяпти.

Кондитер цехи, ҳатто, ўз биносига эга эмас. Эски чойхона биносига жойлашган бу цехда истеъмолга ярайдиган сув йўқ. Санитария-эпидемиология станцияси ходимлари бир кун келиб цехни ёпиб кетишса, эртаси куни район раҳбарлари аралашуви билан цех яна очиб берилади.

Район умумий овқатланиш идораси директори Абдусаттор Жабборов цех ҳақидаги фикримизни тинглаб «Цех планни бажаролмаяпти-ку, яхшиси ёзманг» деб маслаҳат берди.

Қайта қуриш ва жадаллаштириш ҳаракати бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйган ҳозирги кунда Алимкент кондитер цехини замонавий бино билан таъминлаш, реал план белгилаш ўрнига айбни бекитишга уринаётган раҳбарларининг бундай нотўғри позицияси ажабланарлидир.

Т. МИРЗААҲМЕДОВ,
ветеран ўқитувчи.

● **Айрим партия, совет органлари, қатор ташкилот раҳбарлари газетада босилган танқидий мақолаларга жавоб бериш муддатини ҳаддан ташқари кечиктирмоқдалар. Жумладан, «Танқидни тан олмаганлар» мақоласига (11 февраль) ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ, шу сонда босилган «Тежамкор кўча» танқидий хабарига (11 февраль) халқ депутатлари ЛЕНИН РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, «Оҳангарондаги корхоналар ёрдамга муҳтож» мақоласига (4 март) ЎЗБЕКИСТОН ССР БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ, «Ёмғир ёғди-ю,.. сирлар очилди» сарлавҳали мақолага (12 март) «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» раҳбарлари ҳанузгача жавоб берганлари йўқ. Бу ўртоқларга шундай савол бор: газетада босилган танқидий мақолаларга нима учун икки-уч ой давомида ҳам жавоб берилмаётир?! Матбуот сигналига бундай муносабатни қандай баҳолаш мумкин?..**

ҚЎШИБ ЁЗГАНЛИК УЧУН — ҚАТЪИЙ ЖАВОБГАРЛИК!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида

30 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлиси бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумининг талаблари асосида бошланғич партия ташкилотлари ишини қайта қуриш тўғрисида Андижон область партия комитетининг ҳисоботи тингланди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорнинг баёни эълон қилинади.

Марказий Комитет Бюроси кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш фактларининг пайини қатъиян қирқиш чораларини муҳокама қилди. Республикада бу соҳада олиб борилаётган ишларга қарамай, планнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган ишларнинг аҳволини кўп ҳолларда бузиб кўрсатиш давом этиб келаётганлиги қайд этилди. КПСС Марказий Комитетининг Молдавия Компартияси Марказий Комитети, Украина Компартияси Кировоград область комитети, СССР Автомобиль саноати министрлиги кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишни қатъиян тугатиш юзасидан партия Марказий Комитети қабул қилган қарорларни қониқарсиз бажараётганлиги тўғрисидаги маълум қарори ўтган йили октябрда кенг миқёсда эълон қилинганидан кейин, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси республиканинг бир қанча корхоналари, ташкилотлари ва ҳўжаликларида Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси билан Халқ контроли комитети аниқлаган фактлар юзасидан 1986 йил августида кўрган қатъий чоралардан сўнг социал жиҳатдан хатарли мана шу иллатга, айниқса тоқат қилиб бўлмаслиги таъкидланди.

Ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги яна бир текширилганда шу нарса маълум бўлдики, қўшиб ёзиш, давлат статистика ҳисоботидан яшириш, кўзбўямачилик қилиш ва сохталаштириш ҳоллари аниқланган корхона ва ташкилотларнинг салмоғи ҳали ҳам катта бўлиб, ўзгармас характерга эга бўлиб турибди: 1984 йилда текширилганларнинг 38,1, 1985 йилда 38,1, 1986 йилда 40,2 процентида ана шундай фактлар аниқланди.

Бухоро областидаги ишларнинг аҳволи, айниқса ташвишлидир. Текширилган объектларда қўшиб ёзиш ва яшириш ҳоллари кейинги уч йил мобайнида 18,2 процент кўпайган. 474 корхона, ташкилот ва ҳўжаликларда мана шундай фактлар аниқланган бўлишига қарамай, область партия, совет ва контрол органлари мана шу расвогарчиликни тугатишда принципсизлик ва кўнгилчанлик қилмоқдалар. Қаттиқ жазога лойиқ бўлган кўпчилик кишилар жавобгарликдан сақлаб қолинмоқда. Чунончи, қурувчилар Ромитан шаҳридаги касалхона билан поликлиника, Бухоро шаҳрида омонат касса биноси ва 8,7 минг квадрат метр учта уй-жой биноси ишга туширилганлиги тўғрисида ҳисобот берганлар. Шу йил январь ойида Марказий статистика бошқармаси органлари уларда катта камчиликлар бўлганлиги учун шу объектларни 1986 йил ҳисоботидан чиқариб ташлаган. Бироқ мана шу жуда қўпол қонунбузарлик учун ҳеч ким жавобгарликка тортилмади.

Республика қурилиш ташкилотларида қўшиб ёзиш ва ҳисоботни сохталаштириш доимий тус олган. Шу йилнинг 4 ойи ичида қурилиш банки ва давлат банки органлари бажарилган қурилиш ишларининг ҳажми 8,2 миллион сўмлик миқдорида ошириб кўрсатилганини аниқладилар. Давлат агросаноат комитети, «Главсредазирсовхозстрой», Мелиорация ва сув ҳўжалиги министрлиги, Ўзбекбирлашув қурилиш ташкилотлари ва бошқа қурилиш ташкилотларида мана шундай қўшиб ёзишларга жуда кўп йўл қўйилган.

Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Тошкент областларининг чорва молларини ҳисоботдан ширган агросаноат комитетлари ҳўжаликларидаги қўшиб ёзишлар аниқланди. Текширилган 211 та ҳўжаликдан 147 тасида мавжуд ва тайёрланган ем-хашак юзасидан ҳисоботга қўшиб ёзиш ва уни сохталаштириш фактлари ошкор бўлди.

Текширилган 80 та ҳўжаликдан 55 тасида дизель ёнилғиси ва бензинни яшириш ҳамда қўшиб ёзиш аниқланди.

Тошкент «Эталон» заводида контрол-ўлчов приборлари ишлаб чиқариш ва ремонт қилиш ишларининг аҳволини бежаб кўрсатиш ва йўл қўйилган қолоқликни сунъий равишда қисқартириш мақсадида қилинган ишларга қўшиб ёзилган. Бу ерда 1987 йилнинг январь-февраль ойларидагина ҳисоботга 280,1 минг сўм ёки планнинг 37,4 проценти миқдорида қўшиб ёзилган.

Республика Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг корхоналарида қўшиб ёзиш оммавий тус олган. Шу министрликнинг текширилган 37 та корхонасидан 33 тасида (89,2 процентида) қўшиб ёзишлар аниқланган. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ва Ўрта Осиё темир йўли системасидаги 21 та автотранспорт корхонасида юк ташиш соҳасида қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик ҳоллари аниқланди, бажарилмаган ишлар ҳажми учун сарфланмаган 3,8 минг литр ёнилғи ҳисобдан чиқарилган.

Енгил саноат министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги, бошқа министрлик ва идораларнинг корхоналарида ҳам қўшиб ёзиш ва давлат ҳисоботини сохталаштиришнинг кўпдан-кўп фактлари содир бўлиб келмоқда.

1986 йилнинг иккинчи ярмида ва шу йилнинг биринчи кварталида қўшиб ёзиш даражаси ошганлиги жойлардаги область, шаҳар, район партия комитетлари ҳисобот маълумотларини сохталаштиришга қарши муросасиз ва изчил кураш олиб бормаётганликларидан, ҳамон чалакам-чатти чоралар билан чекланиб, айбдорларни қаттиқ партиявий жавобгарликка тортмаётганликларидан далолат бериб турганлиги таъкидлаб ўтилди. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари бу ишдан четда турибдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ҳисоботга қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик ва давлатни алдаш ҳоллари учун «Бухараоблагропромстрой» 1-трестининг бошқарувчиси Б. Шаимов, Бухоро область ижроия комитети капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи У. Маҳмудов, «Узторгстрой» трести Фарғона шаҳридаги 6-қурилиш бошқармасининг бошлиғи И. А. Ҳасанов, Самарқанд область Пайариқ районидаги 173-ҳўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бошлиғи А. Мустафоев, Сирдарё область Ворошилов районидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» совхозининг директори З. С. Тожиев, «Техсложбытприбор» Қорақалпоғистон республика ишлаб чиқариш бирлашмаси директори А. Т. Мирзақулов ўртоқларни партиядан ўчирди ва бундан буён улардан раҳбарлик лавозимида фойдаланишни мақсадга мувофиқ эмас, деб топди. Тошкент область партия комитетига «Агропромстрой» трести 120-механизациялашган кўчма колоннасининг бошлиғи ўртоқ Т. Мавжиддинов ва қўшиб ёзишлар учун айбдор бўлган бошқа шахслардан партиявий жавобгарлигини ўрганиб, жазо чораларини белгилаш топширилди.

«Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўртоқ Т. И. Шарофхўжаев соғайганидан сўнг унинг партиявий масъулиятини кўриб чиқиш Тошкент шаҳар партия комитетига топширилди.

(Давоми 2-бетда).

• ПИЛЛА—ДАВЛАТГА • РЕПОРТАЖ

ЧИНОЗ „КУМУШ ТОЛА“СИ

ЧИНОЗ РАЙОНИ меҳнаткашлари бу йил пилладан мўл ҳосил етиштирдилар. Топшириқ муддатидан олдин ортиғи билан бажарилди.

Район пилла қуритиш бош идорасининг қабул пунктларига пландаги 134 тонна ўрнига 150 тоннадан зиёд хом ашёси етказиб берилди. «Партия XXIV съезди» совхози, «Октябрь 40 йиллиги», «Қизил Октябрь», Карл Маркс номли, Энгельс номли, колхозларнинг пиллакорлари, айниқса, яхши натижаларни қўлга киритдилар, улар ўз планларини 110—120 процентга адо этдилар.

Ҳозирда район пиллакорлари қолган ҳосилни ҳам тез ва соз йиғиштириб олиш тадбирларини кўрмоқдалар.

...РАЙОН бош пиллахонаси. Беш қолти жойда лаборантлар хом ашё сифатини текширишяпти. Торозибонлар уни шу заҳотиёқ тортиб, қабул қилишмоқда.

— Бу йил районимиз меҳнаткашлари парваришлаган ҳар қути қурт уруғидан 60 килограммдан зиёд хом ашё олишга муваффақ бўлдилар,— дейди бош пиллахона агрономи Ҳикмат Адҳамов.— Айниқса, бу ишда оилавий пудрат кўл келди.

Йил бошидаёқ мутахассислар, хўжаликларнинг раҳбарлари ипак қурти боқишни янада яхши йўлга қўйиш мақсадида пиллакорлар билан шартнома тузадилар.

Маъмурият биринчи бўлиб шартнома бўйича ваъдасини бажаришга киришди. Қурт боқилаётган хоналарни ремонт қилиш, сўкчак, термометр, кўмир, печка ва бошқа шунга ўхшаш зарур нарсалар билан таъминлайди. Озуқа етказиб бериш, пландан зиёд топширилган ҳар килограмм ҳосилга мукофот пули тариқасида ҳақ тўлаш кабиларни амалга оширади. Ўз навбатида, қурт боқувчи қуйидагиларга — келтирилган баргни несғобуд қилмай едириш, сифатли хом ашё етиштириш, ниҳоят, белгиланган планни бажариш каби шартларни бажаради.

Бу йил район бўйича 2300 дан зиёд оила билан ана шундай шартномалар тузилди. Қурт жонлантирилганидан сўнг ҳар йилгидек уйма-уй юриб тарқатилмади. Балки пиллакорларнинг ўзлари келиб олиб кетишди. Озуқа пиллакорларнинг уйига керагича келтириб берилди. Қурт боқувчи барг излаб юрмади. Фақат ўз иши билан машғул бўлди. Шу боис район бўйича топширилган «кумуш тола»нинг 92 процентини сараланган маҳсулот ташкил қилди.

Айниқса, район планининг бажарилишига Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Карл Маркс номли, «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Охунбобоев номли колхозидан Н. Назарова, Р. Бойназарова, Карл Маркс номли колхозидан К. Эрматова, Л. Маҳкамовалар ҳар қутидан 70 килограммдан ошириб, Энгельс номли колхозидан П. Умиров, Ж. Шарипов, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан З. Абдуллаева, А. Абдировалар эса ҳар қутидан 60—65 килограммдан зиёд пилла етиштиришга муваффақ бўлдилар.

...Райондаги «Партия XXIV съезди» совхозидамиз. Хўжалик меҳнаткашлари бизга белоён карталар атрофида ўсаётган тут плантацияларини йил сайин кенгайиб бораётганлиги туфайли мўл пилла етиштириш шаётганлигини гапириб бердилар.

Ўтган йили хўжалик пиллакорлари 285 қути ипак қурти боқиб 16,2 тонна ҳосил олишган бўлса, бу йил шунча уруғдан 17,1 тонна юқори сифатли сараланган «кумуш тола» топширдилар. Совхозда иш намунали ташкил этилган. Тўртта бўлим иккита пиллачилик агрономига бўлиб берилган. 1, 2-бўлимда Т. Тожибоев, 3, 4-бўлимларда Т. Жуманазаров иш юритади. Ҳар иккаласи ҳам пенсионер. Аммо ёшликдан суяги пиллачиликда қотган отахонларга тармоқнинг сир-асрорлари беш қўлдек маълум.

Ипак қурти иккинчи уйқудан турғандан сўнг ҳар иккала участка агрономи совхоз партия ташкилотининг секретари А. Қаршибоев ҳамроҳлигида ҳар куни бир-бирларининг парвариш қилинаётган қуртларини назорат қилишади. Агар бирор камчилик сезилса, дарҳол уни қандай қилиб бартараф этиш йўллари тушунтирилади.

— Бу йил совхозимиз аъзолари ипак қурти уруғини бошқа хўжаликларга қараганда тўрт кун кечикиб олишди. Шунга қарамай бу борадаги планимизни районда биринчи бўлиб уддаладик,— дейди илғор пиллакор Сора Боймотова.— Сабаби парвариш жараёнида бизга йўл-йўриқ кўрсатган агрономларнинг ўз соҳаларини яхши билганликлари, бой тажрибаларини ўртоқлашганликларидадир.

Кўпгина хўжаликларда ипак қурти озуқаси махсус тузилган бригадалар ёрдамида пиллакорнинг уйига келтириб берилган бўлса, бу ерда бундай қилинмади. Пиллакорга «Мана шунча тут дарахти сизга ажратилди. Агар баргни уйингизга олиб бориб берадиган бўлсак унда сиз етиштирган ҳосил пулидан маълум қисмини барг кесувчига беришингизга тўғри келади», деб тушунтирилди. Пиллакорлар бир овоздан «Бизга қачон барг керак бўлса, ўзимиз ажратилган майдондан олиб келаверамиз, фақат техника берсангизлар бас»,— дейишди. Томонлар келишиб олишди.

...З. Қаюмова, Э. Ниёзбоева, Д. Худойқулова, О. Жуманова-лар эса ҳар қутидан 70 килограммдан, М. Ҳамроева, Ҳ. Хушмуродов, О. Жўлибековлар эса ҳар қутидан 70 килограммдан ошириб ҳосил олдилар.

Аммо ҳали муаммолар ҳам йўқ эмас. Хўжаликда ипак қуртини жонлантириш учун марказлашган инкубатория йўқ. Шароит бўлмагач, пиллачилик агрономларининг уйлари инкубация вазифасини бажаряпти. Район ва хўжалик раҳбарлари шу ҳақда ўйлаб, бир қарорга келсалар ёмон бўлмасди. Бу йил совхоз меҳнаткашлари келгуси йилда ҳам мўл, сифатли, арзон «кумуш тола» етиштириш ниятида йўл четларига юз минг туп тут кўчати ўтқазишди. Бу озмунча сарф-ҳаражат-ми? Пилла кампанияси тугагандан сўнг ҳамма пахта билан банд бўлади. Экилган кўчатлар аксарият ҳолларда қаровсиз қолиб кетади. Натижада кўпи қуриб қолади. Ана шундай ноҳуш ҳоллар рўй бермаслиги учун масъулиятни ҳис қилиб, кўчатларга доимо қараб турадиган жонкуярлар топиб қўйилса нур устига аъло нур бўларди.

...«ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ» колхозида шундай одам бор. Петр Степанович Трухов. Районда уни танимаган одам топилмаса керак. Қирқ йилдан буён пиллачилик билан шуғулланади. Билими, тажрибасини ҳеч кимдан дариғ тутмайди. Шунинг учун уни ҳамма Петя амаки деб чақиради. Бугун участка агрономи Петя амаки ўзига биркитилган участкани сўнгги марта айланиб чиқаяпти. У бу йилги ҳосилнинг сўнгги килограммларини йиғиштириб олаётган Муҳаббат опанинг ҳовлисига кирди.


— Табриклайман, Муҳаббатхон. Планингизни 122 процентга бажарганингизни эшитиб хурсанд бўлдим,— деди Петя амаки М. Эгамназарова мамнунлик билан.— Зап пиллакорларимиз борлиғидан Хурсаной Худойбердиева планини 161 процентга, Манзура Худойбердиева эса 147 процентга, Шаҳодат Азимова 134 процентга етказишибди. Шу тобда ҳаммасини қутлаб келяпман.

Дарҳақиқат, хўжаликда фидокорона меҳнат қилаётган пиллакорлар анчагина. Улар бу йил 278 қути қурт боқишиб, давлатга 12,9 тонна ўрнига 14,2 тонна сараланган «кумуш тола» етказиб беришди. Бу йил даста қўйиш жараёнида ўтган йилги хатоларни такрорламаслик учун Петр Степановичнинг ўзи иш тепасида туриб, мингбоши, райҳон, ёввойи супурги, қора шўра, читр каби шохлари қалин ингичка ўсимликлардан қўйдирди. Самараси кутилганидан яхши бўлди.

Ўтган йили хоналар камлик қилиб қолганлиги сабабли қуртларни сийраклаштиришнинг иложи бўлмаганди. Боқилаётган ипак қуртининг маълум қисми шу сабабли кўнгилдагидек ривожланмади. Бунинг устига даста қўйишда ҳам кўпчилик ғўзапоя, ғана каби лардан фойдаланишди. Натижада ҳосилдорлик камайиб кетди.

Бугун Петр Степановичнинг кайфияти ниҳоятда чоғ. У хонадонларга кирди, ҳаммага яхши истаклар билдирди, ишларига ривож тилади. Чунки ўзи бошқарган участка, колхоз, район пилла планини муддатидан илгари бажарганлигидан беҳад шодон эди.

И. ТОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.







● СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) пункт агрономи Ю. Нуримов ва лаборант С. Воҳидова; оператор М. Абдиева иш устида; янги ҳосил сараланмоқда. А. Зуфаров фотолари.

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

Республикамизда ўтаётган совет адабиёти кунлари қатнашчилари 1 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилишдилар. Меҳмонларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов табриклади.

Жамиятни революцион янгилаш жараёнида ёзувчининг ўрни тўғрисида қизғин мунозара бўлди. Ҳозир совет кишисининг маънавий камол топиши, экономика ва социал фаолиятнинг барча соҳаларида қайта қуришни амалга оширишда партияга кўмаклашиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш адибларнинг энг муҳим бурчи эканлиги қайд этилди. Қолоқликка, турғунликка, худбинликка, умрини яшаб бўлган барча нарсаларга қарши кураш — адабиётнинг амал қилиши керак бўлган энг муҳим йўналишидир. Ўз тақдирини адабиёт билан боғлаган кишилар ҳозир бор кучлари билан ишламасликка хақларини йўқ, деб уқтирилди суҳбатда. Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ёзувчиларга янги шонли ишлар жойини, янги қаҳрамонлар номларини айтиб бермоқда.

Ёзувчилар Ўзбекистонда совет адабиёти кунлари ташкил этилганлигидан мамнуният изҳор қилиб, бу кунлар ҳақиқий амалий тусда ўтганлигини таъкидладилар. Улар турли меҳнат коллективларида — Мирзачўлнинг чўлқуварлари ҳузурида, Самарқанд соҳибкорлари, Марғилон пиллакорлари, Орол бўйи балиқчилари, Хоразм боғбонлари ҳузурида бўлдилар. Республика билан танишув Ўзбекистон меҳнатчиларининг юмушларини чуқурроқ тушуниб олишларига, ёзувчилик мавзуларининг конкрет йўналишларини белгилаб олишга имкон беради.

Учрашувда СССР Ёзувчилар союзи секретарлари Ю. И. Суровцев, К. В. Скворцов, шоирлардан Л. Латинин, В. Рецептер сўзга чиқдилар. **(ЎзТАГ).**

Қўшиб ёзганлик учун — қатъий жавобгарлик!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида

(Бошн биринчи бетда).

КПСС Марказий Комитетининг қўзбўямачилик ва қўшиб ёзишни тугатиш юзасидан берган кўрсатмаларини бажаришга масъулиятсизларча муносабати учун Бухоро область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Н. Нарзуллаевга учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди. У эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Бухоро шаҳар партия комитетининг биринчи секретари И. Х. Салимов, Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. Алимов, Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Х. Асанов, Ворошилов район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Мирзаев, Паркент район партия комитетининг биринчи секретари И. И. Салимов, Пайариқ район партия комитетининг биринчи секретари У. Тамикаев, Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Н. И. Емельянов ўртоқларга қаттиқ кўрсатиб ўтди. Улар қўшиб ёзишга ва давлатни алдашга йўл қўйган шахсларга нисбатан ўз вақтида принципиал чоралар кўрилиши учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилди.

Область, шаҳар, район партия комитетларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мазкур қарорини республика барча бошланғич партия ташкилотларининг эътиборига етказиш ва улардан қўшиб ёзиш ҳамда кўзбўямачилик ҳолларига бундан буён йўл қўймаслик чоралари муҳокама қилинишини таъминлаш топширилди. Аниқланган фактлар бир ой муддат ичида кўриб чиқилсин ва айбдор шахслар қаттиқ партиявий жавобгарликка тортилсин.

Марказий Комитет Бюроси партия, совет, хўжалик раҳбарларини, уларнинг ҳар бири қайси ловозимни эгаллаб турган бўлмасин, башарти у қўшиб ёзишга, кўзбўямачиликка, давлатни алдашга йўл қўйса, партия олдида шахсан жавобгар бўлади, деб огоҳлантирди.

Марказий Комитет Бюросининг мажлисида партия ва ҳукуматнинг озиқ-овқат ишлаб чиқаришларини ривожлантириш, нон, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда аҳолини шу маҳсулотлар билан таъминлашни ташкил этиш юзасидан чиқарган қарорларини бажаришдаги жиддий камчиликлар масаласи кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги, Давлат агросаноат комитети ва Ўзбекбирлашув мана шу жуда муҳим участкада тўб бурилишни таъминламаганликлари қайд этилди.

Натижада республиканинг кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат молларига бўлган эҳтиёжлари бошқа регионлардан ташиб келтириш ҳисобига қондирилмоқда. Бир қанча совет, хўжалик органларининг раҳбарлари тайёрга айёрлик кайфиятида юрибдилар.

Дон маҳсулотлари министрлигининг раҳбарлари, шахсан министр ўртоқ Х. Р. Қўйбоқаров, унинг ўринбосарлари Б. Т. Жалилов, А. Муталов ўртоқлар, Ўзбекбирлашув правлениеси раисининг ўринбосари ўртоқ Р. И. Назаров новвойхоналарнинг нормал ишлашини йўлга қўя олмадилар, тармоқнинг кундалик ва истиқбол вазифаларини ҳал этмаяптилар, сустқашлик ва пассивлик кўрсатмоқдалар. Бу эса меҳнаткашларнинг нон маҳсулотлари сифати ва турлари хусусидаги шикоят ва таъналари кескин кўпайишига олиб келди. Кўпгина асосий цехларда, ун элаш бўлимлари ва омборларда қаровсизлик, ўтакетган антисанитария ҳолларини ҳукм сурмоқда, уларнинг раҳбарлари жиноятқорона совуққонлик ва масъулиятсизлик кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг корхоналари кондитер маҳсулотлар ишлаб чиқариш планларини узлуксиз бардод қилиб келмоқда, аммо комитет раисининг ўринбосари ўртоқ Б. Қ. Қосимхўжаев бунга муросасозлик билан қарамоқда, шунинг натижасида ҳар йили республикага 55 минг тоннагача кондитер маҳсулотлар ташиб келишга мажбур бўлинмоқда.

Корхоналардаги жиддий камчиликларни ҳал этишда бошланғич партия ташкилотларининг роли ҳаддан ташқари бўшаштириб юборилган.

Шу масала юзасидан қабул этилган қарорда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларининг, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Дон маҳсулотлари министрлиги ва Ўзбекбирлашувнинг озиқ-овқат тармоқларини ривожлантириш соҳасидаги иш даражасини партия ва ҳукуматнинг озиқ-овқат маҳсулотларига аҳолининг ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш соҳасидаги талабларига мувофиқ эмас, деб топди.

Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари министри ўртоқ Х. Р. Қўйбоқаров соғайганидан сўнг унинг тармоқ иши барбод бўлганлиги учун партиявий жавобгарлиги кўриб чиқилади.

Новвойхоналар ва озиқ-овқат саноати тармоқлари ишидаги жиддий камчиликлар, партия ва ҳукуматнинг озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш соҳасидаги топшириқлари бажарилмаганлиги учун Ўзбекбирлашув правлениеси раисининг ўринбосари ўртоқ Р. И. Назаровга қаттиқ виговор эълон қилинди.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Б. Қ. Қосимхўжаевга виговор эълон қилинди. Агар у ўзи бошчилик қилаётган тармоқдаги ишларни йил охиригача тубдан яхшилашни таъминламаса унга нисбатан янада қаттиқроқ партиявий жазо чоралари кўрилади, деб огоҳлантирилди.

Марказий Комитет Бюроси Б. Қ. Қосимхўжаев, Р. И. Назаров ва Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари министрининг ўринбосари П. Н. Евсеев ўртоқларнинг уч ойлик муддат ичида нон ва булка-нон маҳсулотлари сифатини яхшилашда дуруст тартиб ўрнатамиз, аҳолини озиқ-овқат моллари билан таъминловчи корхоналар ишидаги антисанитария ҳолларини ва қўпол камчиликларни тугатамиз, деб берган ваъдаларини инобатга олди.

Тошкент шаҳар партия комитети новвойхоналар ишининг аҳволини текшириш натижалари юзасидан «Ташкентхлеб» бирлашмаси 2-нон заводининг директори ўртоқ А. Абдуллахўжаевни КПСС сафидан ўчирганлиги, республика «Ўзхлебпром» бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ М. Г. Гайсинга КПСС аъзоси ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилганлиги ҳам инобатга олинди. Улар эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилди. «Ташкентхлеб» бирлашмасидаги бир қанча мансабдор шахслар ҳам жазоланди.

Республика Давлат агросаноат комитетига, Дон маҳсулотлари министрлигига ва Ўзбекбирлашувга ўзларига қарашли корхоналарда муносиб давлат тартиби ўрнатиш, тармоқдаги жиддий камчиликларни бутунлай тугатиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф қилинди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига озиқ-овқат саноати тармоқлари объектларини қуриш ва реконструкция қилишни жадаллаштиришга оид таклифлар киритилсин. Заруратга қараб машинасозлик, ремонт корхоналарини республика саноати қайта ишлаш тармоқлари учун технология машина-ускуналари, линиялар тайёрлашга жалб этиш чора-тадбирлари кўзда тутилсин.

Область ва шаҳар партия комитетларига озиқ-овқат тармоқлари корхоналари фаолиятига эътиборни кучайтириш топширилди. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишда, уларнинг мавжуд камчиликларни тугатишга таъсирини кучайтиришда, ишчиларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун яхши шароитларни яратишда уларга ҳар томонлама ёрдам берилсин.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига, республиканинг бир қанча министрликлари ва идораларига тегишли топшириқлар берилди.

Марказий Комитет Бюросининг мажлисида чорвачиликни, ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини ривожлантириш ҳамда ем-хашак тайёрлаш юзасидан ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун республика социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва комсомол Марказий Комитетининг қўшма қарори қабул қилинди. Мусобақа шартлари, ғолибларни рағбатлантириш тадбирлари тасдиқланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси республика партия турмуши, иқтисодий ва социал тараққиётининг бошқа баъзи масалаларини кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилди.



Бутуниттифоқ зарбдор объектлари — комсомол оталиғида



ХАБАРОВСК ЎЛКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИЛАР

Яқинда биз 50 нафар комсомол-ёшни Хабаровск ўлкасига, жаҳонда ягона ҳисобланган ғалла ўрадиган занжирли комбайн ишлаб чиқарувчи «Дальсельмаш» заводи қурилишига кузатган эдик. Яқинда Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғидаги жасорат монументи олдида Бутуниттифоқ зарбдор қурилиш объектларига жўнаб кетаётган яна бир группа ёшларни кузатишга бағишланган митинг бўлиб ўтди. Митингни область комсомол комитетининг секретари А. Йўлдошев очди.

— Улуғ Ватан уруши йилларида комсомоллар кўрсатган жасорат ва матонатни халқимиз унутмайди,— деди Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусаттор Эшонқулов, — уруштан кейинги тинч қурилиш йилларида комсомоллар яна олдинги сафда бўлдилар. Бугун ҳам ленинчи ёшларга энг шарафли вазифалар ишониб топширилмоқда.

Сўзга чиққан отряд командири, Ғалаба район физкультура ва спорт комитетида инструктор бўлиб ишлаган Чжен Максим Хабаровск ўлкасига отланган ёшлар ишончни оқлаб оталар ишини шараф билан давом эттиражакларини айтди.

Сафга тизилган «ВЛКСМ XX съезди» номли отряд аъзоларининг руҳи баланд эди. Улар турли миллат вакилларидан иборат. Қайси бирлари билан суҳбатлашманг, меҳнат майдонида комсомолчасига ишлаб, умум ишига, Ватан қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшажакларини билдирмоқдалар.

— Районимизда табиий офат юз берганда бутун область ёрдамга келди, —дейди пискентлик Ином Қабиров. —Партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатган ёрдами, илтифоти туфайли табиий офат чекинди. Оилаларга ҳар томонлама ёрдам берилаяпти. Ҳамма шароит яратилаяпти. Мен ҳамхўр партия ва ҳукуматимизнинг чақириғига биноан узоқ ўлканинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшишга қарор қилдим.

Бекободлик Эльвира Калашникова мактабни битиргач, алоқа бўлимига ишга кирган эди. У Ватан чақириғига бефарқ қололмади. «Менинг жойим олдинги сафда» деб комсомол комитетига мурожаат этди. У бўёқчилик касбини танлади.

Отряд комиссари Шаҳодат Ёрқулова комсомол зарбдор объектларида чиққан ёшлардан бири. Мана энди Хабаровск ўлкасига йўл олмоқда.

— Бирабижанда комсомол-ёшларнинг самарали меҳнат қилишлари учун ҳамма шароитлар яратилган, — дейди область комсомол комитетининг инструктори Р. Азимов. —Замонавий қурилган ёшлар посёлкасида спорт комплекси ҳам мавжуд. Биз тошкентлик ёшлар учун қўшимча 8 минг сўмлик спорт инвентарларини ҳам юбораяпмиз. У ерда миллий ошхона, кафе, чойхона бор. Ошпазлар ҳам асосан комсомол йўлланмаси билан борган ёшлардан иборат. Отряд аъзолари махсус курсларда ўқиб, қизиққан касбларини эгаллашлари ҳам мумкин.

54 кишидан иборат «ВЛКСМ XX съезди» номли комсомол-ёшлар зарбдор отряди аъзолари митингдан сўнг В. И. Ленин номли майдонга йўл олдилар. Доҳий ҳайкали пойига, Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

Б. ПЎЛАТОВ.



Суратларда: «ВЛКСМ XX съезди» номли отряд аъзолари Хабаровск ўлкасига жўнаб кетиш олдидан.

А. Зуфаров фотолари.

ХУШХАБАРЛАР

● АНГРЕН қурилиш материаллари комбинати қизил, яшил, оқ цементни қадоқлаб чиқара бошлади. Полимер чиқитларидан ишланган сув шиммайдиган қутичаларга икки ярим килограмм цемент жо бўлади. Рангли цементни савдо тармоқларига 5 килограммли қадоқларда ҳам етказиб бериш планлаштирилмоқда. Бундай янгиликни жорий этишга қурилиш материаллари министрлигининг «Комфорт» фирма магазинида ташкил этилган аҳоли талабини ўрганиш хизмати ёрдам берди.

● «ТАШНИИСТРОМПРОЕКТ» институтининг олимлари томларни изоляция қилишнинг янги усулини таклиф этишди. Состави фосфагипс, кул, оҳак ва қумдан иборат янги материал — фогизолга яна бир қоришма қўшилди. Том технислигига қуйилган қоришма ўзи текисланиб қолади, қуригач эса қавариб чиқади. Янги материал анъанавий керамзитнинг ўрнини босади. Материалнинг арзонлиги ва кам меҳнат талаб қилиши ҳар квадрат метр изоляция ҳисобига бир ярим сўмдан ортиқ иқтисод қилиш имконини беради.

● ЎЗБЕКИСТОН металлургия заводининг энг йирик — электр пўлат қуйиш цехида дам олиш комплекси очилди. Реконструкциядан кейин бўшаб қолган биноларда металлургларнинг ўзлари дам олиш хоналари, даволаш физкультураси кабинетларини жиҳозладилар. Овқатланиш учун танаффусга чиқилганда ва сменалар ўртасида бу ерда музика эшитиш, телевизор кўриш, газета-журнал ўқиш мумкин. Цех каби комплекс ҳам уч сменада ишлайди.

● ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинатида халқ учун янги товарлар ишлаб чиқарила бошланди. Дазмоллаш машинаси, болалар уй тренажери, санитария-техника деталлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш препаратлари ассортиментини тўлдирди. Комбинатда ишлаб чиқилган комплекс программага амал қилиб, бу ерда микроўғит, бўёқлар, мураккаб маиший-техника ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Келаси йил янги қурилишлари рўйхатига болалар буюмлари цехи киритилган. Бу цехда аравача ва кроватлар, велосипедлар, сервиз столчалари тайёрланади.

(ЎзТАГ).

ИШБИЛАРМОНЛИКНИ

Журналист

- Ишнинг кўзини билиш керак.
- Баҳаво ресторанлар.
- Кўз олдингизда санъаткор.
- Чойхонага эътибор зарур.
- Одамлар ҳордиқ масканларига маҳтал.
- Қайта қуриш нишоналари.

ОТПУСКАДА Варнага кетаётиб аҳд қилгандим: «Ҳеч нарса ёзмайман!» Ёзмасликка ёзмадим. Бироқ, истасам-истамасам ҳар қадамда болгар дўстларимизнинг ишбилармонлигига дуч келиб, бундан завқланар ва ҳатто ҳайратланар эканман, буни ёзмасдан туролмаслигимга ишондим. Қайтиб келгач, болгарларнинг ишбилармонлик хислатини ўргансак арзийдиган яхши тажриба сифатида қоғозга туширдим.

Варнанинг машҳур «Олтин қумлар» дам олиш комплексида «ҳаводан пул ишлашяпти». Йўқ, номақбул усул ёки сеҳргарлик йўли билан эмас, тўппа-тўғри, маиший-маданий хизмат орқали. Одамлар бу ҳаво учун мамнун бўлиб пул тўлашмоқда. «Ҳаво»ни ҳам тўғри маънода, ҳам кўчма маънода тушунаверинг: машҳур эртаклардаги чайлалар, саройлар, ҳайвонлар, қушлар, машиналар... ҳаводан яслган. Ҳа, ичига ҳаво тўлдирилган резина. Ҳаммаси. Бироқ, улар шу қадар чиройли, шундай жозибадор ва ўйин учун ниҳоятда қулайки, уларнинг хизматидан баҳраманд бўлган ҳар бир болакайнинг кувончи ичига сиғмай осмонга ирғийди, оёғи остидаги ҳаво эса уни эркалаб, баландроқ сакрашига ва юмшоқ ағанашига ёрдам беради. Бундан ташқари, қизиқ ва сермазмун ўйин автоматлари. Оилавий велосипедлар. Тўрт ўринли, икки киши юргизадиган арава-велосипедларда болачақасини ўтқазган ота-оналар сайр қилиб юришибди. Махсус сайр майдони йўқ. Соя-салқин тротуарларда, дам олиш жойларида ҳайдашмоқда. Ҳам ҳордиқ, ҳам тансиҳатлик. Велосипеднинг бир соатлик баҳоси — беш лев! (Бир лев бир сўмга тенг). Ўйин воситалари учун тўланадиган ҳақ унчалик арзон эмас. Лекин улардан фойдаланаётган одамлар «қиммат» деяётгани ҳам йўқ. Чунки хизмат аъло... Ва содда. Масалан, бизда заводда ва савдо базаларида ишлатиладиган электрокара бор. Кичиккина, лекин кучли, бир неча юз килограмм юкни кўтаради ва тортади. Товушсиз юради. Ана шу электрокара сал безалса, паровоз қиёфасига кираркан, усти ёпиқ, бўялган ўнта «прицеп» уланса, поезд бўларкан!.. «Прицеп»ларнинг ҳар биридаги юмшоқ креслоларга 5—6 киши ўтиради. Болалар, катталар — аралаш. Демак, «поезд»га 50—60 киши сиғади. Бир кишига эллик статино (эллик тийин)дан ҳисобланг — 25—30 лев бўляпти. 15—20 минут шаҳарчани айланиб, одамларни олиб келдириб келаётган бир «поезд» (битта электрокара!) 30 сўм ишлаб турса — ёмонми? Бу фақат иқтисодий томони. Мен, ҳар бир қадамини аввал иқтисоддан бошлайдиган маиший хизмат ва савдо мутасаддиларини ўйлаб «ҳисоб-китоб» қиляпман. Унинг энг муҳим томони — маънавий ҳордиқ. Бу нарсалар одамлар учун, мароқли ҳордиқ учун жорий этилади.

Яна ҳисоб-китобга қайтсак, болалар ўйинхонасидаги ана шу ўйинчоқларни мавсум тугагач бир кундаёқ ҳаммасини йиғиштириб олиб қўйиш мумкин — ичидаги ҳавоси чиқариб юборилса, бир шаҳарча битта каттароқ хонага жойланади, холос. Бу «арзимаган нарсалар» эса ёз бўйи кўп пул ишлайди ва ўн минглаб, балки юз минглаб болалар ва катталарга хизмат қилади. «Олтин қумлар» комплекси бир йўла 18 минг турист-дам олувчини ўз бағрига сиғдиради. Варнанинг ўзида тўртта шундай комплекс бор.

Бу дам олиш жойларида одамлар энг кўп истеъмол қиладиган нарса — музқаймоқ. Шунчаки, оппоқ музқаймоқни кўрганман. Бу ерда эса... Пушти, қизил рангли, пирамидасимон, ихчам шаклли, тагида ёғоч тутқичли музқаймоқлар. Баҳоси сифатига қараб 30 статинодан 80 статинюгача. Тошкент комбинатидан чиқадиган музқаймоққа нисбатан қиммат, ҳатто бир неча баробар. Лекин, сифати аъло, нархига арзийди. Ҳозир, кейинги икки йил ичида Тошкентда ҳам қиммат музқаймоқлар кўпайиб кетди. Улар турли торглар ва трестларга қарашли музқаймоқ кафеларининг ўзида тайёрланиб сотиляпти. Бир порция — 200 грамми бир сўмгача боради. Кафелар дастлаб ташкил этилганида, тан олиш керак, «фирменний» музқаймоқларининг сифати нархини оқлар эди. Лекин кейин яъни ҳозир улар кескин айниди, уларни тайёрлаётганлар кўпроқ ўз чўнтакларининг ташвишига ўтиб олишди чоғи.

Тошкентни мана шунақа нархи фалон пул, сифатсиз, қўлбола музқаймоқлар босиб кетгани сир эмас. Меҳнатсиз даромаднинг айнан ўзи бўлган бу нарсага қарши курашувчилар қани? Ёки улар музқаймоқнинг қаймоғини ейиш билан банд бўлиб, сути сотувга чиқяптими?

«Ташхладокомбинат»да ишлаб чиқарилаётган музқаймоқларнинг, инсоф билан айтганда, кейинги пайтда сифати сезиларли даражада яхшиланди. Бироқ, бу ерда кескин қайта қуриш тўғрисида кенгроқ доирада ўйлашмаяпти чоғи. Масалан, нега унинг қувватини иккиуч баравар кенгайтириш, керак бўлса қўшимчасини қуриш мумкин эмас. Ана шунда шаҳардаги ўнлаб кафеларни давлат корхонасида тайёрланган сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ва айни пайтда қинғир ишларга чек қўйиш мумкин бўларди. Ҳозир эса жазирама ёзда комбинатда энг юқори қувватда ишлаб чиқарилаётган 30—40 тонна музқаймоқ 2 миллиондан ортиқ аҳолининг эҳтиёжини қондиролмаяпти. Натижада, одамлар 50 тийин — 1 сўм тўлаб қўлбола музсутни ейишга мажбур бўлишмоқда. Унгача, янги қувватлар қурилгунга қадар ҳозиргисининг ўзида маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва бунинг эвазига нархини ҳам ошириш нега мумкин эмас? Ҳозир комбинатда тайёрланаётган энг қиммат музқаймоқ — пломбир 19 тийин (100 грамми). Неча ўн йилдан бери шакли бир хил — ғишт, ранги — оқ. Нега унинг шаклини кўркамроқ, рангини хушрўйроқ, масасини хуштаъмроқ қилиб, нархини 30—40 тийинга кўтариб, ҳаммани ҳайратга солиш мумкин эмас. Ахир, бир сўмлик музқаймоқни ҳам (сифатсизини!) навбатда туриб, харид қиляпмиз-ку!

Чамаси, бизда ишбилармонлик йўқ, жон койитиш — ижодкорлик, ташаббускорлик йўқ. Ҳолбуки, ижодкорлик ва ташаббускорлик ҳозирги даврнинг долзарб шиори бўлиб қолди. КПСС XXVII съездида, Пленумларда, ўртоқ М. С. Горбачевнинг меҳнаткашлар билан, коллективлар билан учрашувларида бу шиор қайта-қайта эсга солинмоқда, даъватга айланяпти. Унга жавобан — амалий ишга ўтишни эса ҳеч ким ҳам чуқур ўйлаб кўрмаяпти чамаси: эскича ишлайвериш, бир амаллаб планни тўлдириш, бир амаллаб курсини бой бермаслик тўғрисидаги кундалик, майда ташвишлар билан банд бўлиб қолаётганга ўхшаймиз. Ҳамма ерда эмас, айрим жойларда. Ҳамма эмас, айрим одамлар. Бироқ, ана шу «айрим одамлар»га юзлаб, балки минглаб одамларнинг тақдири боғлиқ бўлган ҳолларда, бу нарса жуда ачинарлидир...

Болгарияда мени ҳайратга солган нарса — ресторанлар бўлди. Ҳашамдор кошоналиги эмас, аксинча, ҳашамсиз ва соддалиги ҳамда шинамлиги. «Нестинари» деб номланган пикник — ресторанга бориш учун бир неча кун олдин билет олиб қўйган эдик. Уни кўпчилик мақтади, унга боришни байрамдек кутдик. Иккита «Икарус»имиз шаҳардан сал четроқ — юқорироқдаги қишлоққа ўхшаш манзилгоҳга элтди. Машинадан тушиб, шағал-тупроқ йўллардан озгина юриб, бир... қўраннинг эшигида тўхтадик. Эшик ҳам бир парча тахтадан. Группалар навбати билан ичкарига киритиляпти. Кирдик. Атрофи одам кўкраги баравар девор билан ўралган қўра-чорбоғ ичида ҳар бири 6—8—12 кишилик тахта стол-стуллар. Силлиқ тахта, холос, на суянчиғи, на шолчаси бор. Қозиқ оёқли стуллар устига оппоқ дастурхон тўшалган ва ресторансифат сервировка қилинган. Йўлкаларда ўтлар ва гуллар. Қўполроқ қилиб айтганда, дастурхон ва унинг устидагилар бўлмаса — қўранинг ўзгинаси. Лекин... қандайдир шинам ва ёқимли: очиқ ҳаво, яшил ўт ва гуллар. Бир чеккада автобус бекатидагига ўхшаш соябон-бино, бу — эстрада. Яна бир чеккада ягона усти ёпиқ мўъжаз уйча — ошхона. Шу, холос...

Энди, навбатда туриб кириладиган бу ресторанни бунёд этиш учун қанча маблағ кетганини-ю, ҳар куни хўрандалардан қанча маблағ тушишини ҳисоблаб олаверинг. Энг асосийси — миллион сўмга қурилган ҳашаматли ресторандан кўра бу ерда ўтириб, маданий ҳордиқ чиқариш завқлироқ. Шунақа бошқа ресторанни Варнадан 100 километр нарида — Жанубий Болгария ҳисобланмиш «Қуёшли соҳил» дам олиш комплексида кўрдик. Автобусда бораётганимизда йўлбошловчимиз гап орасида «Тушликни «Чучера» ресторанида қиламиз» дея уч-тўрт марта қайтарди. «Роса зўр ресторан экан, шекилли», деб ўйладик. Ростдан ҳам зўр бўлиб чиқди: бир оиланинг ҳовлисидек очиқ жой, ярмининг усти очиқ, ярми узун айвон. Синчли, устунли оддий айвон. Ёғоч лар бўялмаган ҳам. Сопол стакан, сопол талинка, сопол коса. Бироқ... мен бу ерда камчилик кўрмадим, камситиш маъносида тасвирлаётганим йўқ. Ўргатиш мақсадида ёзяпман!..


Масалан, бизнинг Тошкент ёнбошидаги Дендропаркда у ер-бу ерга қурганда ҳам ўнта ана шундай «Нестинари» ва «Чучера»га ўхшаш ресторан қуриш мумкин. Дендропаркдаги дарахтларнинг қалинлиги, соя-салқинлиги туфайли бизнинг «Нестинари»лар Варнадагидан шинамроқ ҳам бўлар ва бу ўнта ресторанни ташкил этишга, бизнинг тасаввуримизга ёпишиб қолган ҳашамдор ресторанлардан биттасини қуришга сарфланадиган маблағ етиб ортади. Иқлим ҳақида гап бўлиши мумкин эмас: бизда Болгариядагидан кўра узоқроқ муддат ёғингсиз, иссиқ кунлар бўлади-ку.

Бу нарса партия ва ҳукуматимизнинг алкоголизмга қарши кураш учун маданий ҳордиқ жойларини кўпайтириш тўғрисидаги қарорига ҳам айнан жавоб бўлар эди.

...«Нестинари»ни машҳур қилиб турган нарса — бир қизнинг чўғ устида оёқяланг юриши! Қошқорайганда ресторанга кирганимизда ҳовли ўртасида уйилган бир неча тўнка алангаланиб ёнаётган эди. Кейин, ёниб бўлгач, чироқлар ўчирилди, оёқяланг бир қиз қўлидаги ҳаскаш билан чўғни доира шаклида ёйиб, шошмасдан текислади. Кейин, чўғнинг устида оёқяланг юра бошлади. Сўнг атрофни ўраган оломон орасидан бир йигитни кўтариб олиб юрди. Чироқлар ёнди. Одамлар ишонмагандек чўғни ушлаб, қўли куйиб ташлаб юборишди. Лекин, ҳозирги давр кишиси учун бу номернинг ҳайратланарли жойи йўқ: оддий чиниқиш. Мен бу томошани кўриб, ўзимизнинг тўйларда нина чайнаб номер кўрсатган, томоғининг тешисига тиққан нинага чойнакни осиб қўйиб давра айланган йигит кўз олдимга келди. Шу ерда, Тошкентда, ўзини шу қўйга солиб, даврада пул йиққанидан ғашланган эдим. Лекин у ҳам чўғ устида юриш каби чиниқиш-ку, инсоннинг, инсон вужудининг машқ туфайли ақл бовар қилмас «номерлар»га қодирлигини намойиш этиш-ку! Тошкентда Тўлан Қурбонов деган полвон бор. У қорнига бир қулоч тахта қўйиб, чалқанча ётганича устидан «Победа» машинасини ўтказган, ростмана катта эшакнинг қорнидан қайиш боғлаб, уни тишида кўтарганини кўрганман. Тўлан ака бир-икки тўйларда қатнашди-ю, кейин «отарчилик»дан ор қилди шекилли, бу ишни тўхтатди. Унинг санъати эса ўзи билан қолаверди. Нега уларни, ўшандай ғайри-шуурий қобилият эгаларини санъаткор сифатида ресторанларга, чойхоналарга таклиф қилиш, санъаткорлар қатори маош тўлаш мумкин эмас?

Бунинг учун эса аввало «Нестинари» типидаги ресторан ва чойхоналарни кўпайтириш керак.

МЎЛ ОЗУҚА УЧУН





● КОММУНИСТИК районидаги «Ленинский путь» колхозининг Омонгелди Ташибоев бошлиқ бригадаси озуқакорлари бу йил 17 гектар майдонда маккажўхори ва кунгабоқар етиштирмоқдалар. Гектар бошига ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга аҳд қилган деҳқонлар айни кунларда ўсимлик қатор ораларида учинчи ишлов ўтказишяпти. Культивациялаш билан бир қаторда минерал ўғит ҳам солинмоқда. Суратларда: ишлов бериш пайти; (чапда) механизатор А. Жўраев.

Е. Ботиров фотолари.

Олдини олган афзал

Сариқ касаллиги ўткир ва юқумли бўлиб, уни тарқатувчи манба асосан шу хасталик билан оғриган бемор ҳисобланади. Касаллик вирусли гепатит — А (инфекцион) ҳамда вирусли гепатит — В (зардоб гепатит тарзида учрайди. Дардни қўзғатувчилар жуда майда мавжудотлар — вируслардир. Ҳозирги пайтгача қўзғатувчиларнинг кўпгина хоссаларини ўрганишга муваффақ бўлинди. Чунончи, улар ҳар хил омилларга, айниқса паст ва юқори ҳароратларга чидамли эканлиги аниқланди. Масалан, вирусли гепатит А 15—20 даражагача музлатилганда икки йилгача ҳаёт қобилиятини сақлайди, 60 даражагача қиздирилганда эса 4 соатгача ўлмайди. Ҳаттоки, қуруқ иссиқ ҳаво 180 даражага етказилганда ҳам вирусниг бир соатгача «таслим» бўлмаслигини, концентрациядаги хлорли оҳак вирусга 30 минутдан кейингина ҳалокатли таъсир қилишини тажриба кўрсатди. Вирусли гепатит В ҳар қандай муҳитга яна ҳам чидамли экан. У 20 даражали совуқда 10—20 йилгача сақланади, 100 даражагача қиздирилганда активлиги бир мунча пасаяди, холос. Кислотали муҳитда эса узоқ вақт — 18 соатгача яшайверади. Кўриниб турибдики, дарднинг иккала тури «умрбоқий» вируслардан иборат бўларкан.

Одам касалликнинг сариқсиз ва сариқли турлари билан оғриб қолиши мумкин. Касалликнинг сариқсиз тури билан оғриш бемор учун жуда хавфли, чунки улар кўринишдан соғлом бўладилар ва ўзларини касал деб ўйламай, врачга бормайдилар. Вирус беморнинг қонида, ахлатида бўлади. Бу касалликда касаллик юққандан то биринчи белгилари пайдо бўлгунча ўтадиган давр — инфекцион гепатит (А)да 14—15 кун, зардоб гепатит (В)да 2—6 ой давом этади.

Касаллик вируси ифлос бўлган қўлдан сувга, озиқ-овқат маҳсулотларига, ўйинчоқларга, идиш-товоқларга, сочиққа, мактаб ўқув буюмларига ўтади. Кўпинча эса оғиз орқали юқиш хавфини туғдиради, у ердан ичак шиллиқ қаватига, кейин қонга ва охири жигарга ўтиб, унинг хўжайраларида яллиғланиш жараёнини авж олдиради.

Маълумки, жигар организмнинг асосий ҳимоя органи ҳисобланади, у организмда модда алмашинув жараёнида ҳосил бўлган заҳарли моддаларни зарарсизлантиради. Бундан ташқари, жигарда организмнинг ҳаёт фаолиятида муҳим роль ўйнайдиган алмашинув жараёнларини: углевод, витамин, минерал, пигмент алмашинишни жараёнини идора қилиб туради.

Очиқ ҳавзалар сувининг ҳам касаллик тарқалиб кетишига сабаб бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Сувда қўзғатувчилар узоқ вақт давомида ҳаётчанлигини сақлаб туради, бинобарин, ариқ, канал, ҳовуз, дарёларнинг сувини қайнатмасдан ичиш очиқдан-очиқ касаллик тарқалиш хавфини туғдиради.

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Аҳоли зич яшайдиган жойларда инфекцион гепатитнинг юқишида пашша жуда катта роль ўйнайди. Мева ва сабзавотларни, кўкатларни қайноқ сув билан чаймасдан ейиш ҳам касалланишга сабаб бўлади.

Касаллик белгилари инфекцион гепатитда яширин даврдан сўнг 15—50 кундан кейин, зардобли гепатитда эса 50—100 кундан кейин пайдо бўлади.

Вирусли гепатитни даволашда режим ва пархез тутиш жуда катта аҳамиятга эга, чунки ҳозирги вақтгача гепатит вирусига самарали таъсир қиладиган дори-дармон йўқ.

Касал бўлган жигар соғ организмдаги каби ўзининг алмашув ҳимоя функцияларини бажара олмайди. Жисмоний меҳнат, юриш ва ҳатто салгина жисмоний оғирлик тушиши жигар фаолиятига ёмон таъсир қилади. Мана шунинг учун ҳам касалликни эрта аниқлаб, беморни касалхонага ётқизиш зарур, бемор касал бўлган кунидан бошлабоқ касалхона шароитида даволаниши ҳамда албатта, то бутунлай соғайиб кетгунига қадар пархез ва режимга риоя қилиши шарт.

Беморнинг ейдиган овқати енгил ҳазм бўладиган, суткада камида 3000 калория бўлиши, янги, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари еб туриши зарур. Кундузги овқатида камида — 90—100 грамм оқсил, 500 грамм углевод ва озроқ ёғ бўлиши керак. Бемор қийин эрийдиган ёғлар, ёғли гўшт, қовурилган ва дудланган овқат маҳсулотлари, гўшт шўрваси, консерва, аччиқ, нордон, тузланган овқатлардан, спиртли ичимликлардан ўзини тийиб туриши лозим.

Касаллар биринчи кунидан бошлабоқ керакли миқдорда оқсиллар, углеводлар, витаминлар, кам ёғли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишлари керак. Улар учун ёғсиз мол гўшти, балиқ шўрваси, сули, суюқ ош, ширгуруч, манний бўтқаси, димланган котлет, ёғсиз гўштдан ёки картошка ва сабзавотлардан тайёрланган чучвара тавсия этилади. Қайнатилган ошқовоқ, ширхўрда, сут, творог, кефир, янги қаймоқ, асал, компот ва мева шарбатлари ҳам сариқдан даволанган беморлар учун фойдалидир.

Шахсий гигиена қоидаларига пухта риоя қилиш турли инфекциялардан сақлашда асосий роль ўйнайди. Ҳар бир киши оддий гигиена қоидаларига риоя этиши шарт. Ҳар куни қўлни икки-уч марта совунлаб ювишни канда қилмаслик керак.

Мамлакатимизда юқумли касалликларга қарши курашда умумдавлат аҳамиятига молик чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Профилактик тадбирлар кўриш учун катта маблағлар ажратилмоқда. Лекин биз шуни эсда тутишимиз керакки, медицина фани эришган ҳар қандай ютуқлар санитария қоидаларига риоя этилмаса муваффақиятли бўлмайди. Бу масалани аҳоли ва медицина ходимлари ҳамкорликда ишга солиб борган тақдирдагина ҳал қилиш мумкин.

И. ИНОҒОМОВ, А. НЕЪМАТОВА,
шифокорлар.

СЕНАЖ 500 ТОННАГА ЕТДИ

БЎКА РАЙОНИДАГИ Ҳамза номли колхоз озуқакорлари бу йил бир ярим йилга етадиган ем-хашак жамғариш, жумладан, минг тонна сенаж бостиришни режалашган.

Шу кунларда хўжалик экинзорларида бедани сенажга ўриш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаётир. Ҳозирга қадар колхоз фермасига ташиб келтирилиб хандақларга бостирилган озуқа 500 тоннага етди.

Ўрим-йиғимда Т. Абдукаримов, Б. Бойназаров, Ҳ. Каримов каби механизаторлар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Хўжалик озуқакорлари айни кунларда ҳосили ўриб-йиғиб олинган майдонларни пешма-пеш озиқлантириб, суғормоқдалар.

А. ЭГАМОВ.

ЎҚУВЧИНИНГ ДАЪВАТИ

ОҚҚЎРҒОН районидаги Навоий номли колхоз территориясида 4 та ўрта мактаб жойлашган. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти мазкур мактаблар ҳаётида актив иштирок этиб, педагоглар ва ўқувчилар коллективи билан доимий ҳамкорлик қилмоқда. Яқинда 92 нафар битирувчи синф ўқувчилари билан илғор колхозчилар учрашуви ўтказилди. Колхоз касаба союз ташкилоти раиси А. Оққўлов сўзга чиқиб, ёшларга хўжалик ишлари ва илғорлари ҳақида гапириб берди. Район комсомол комитети секретари, ВЛКСМ XX съезди делегати Ж. Абдуллаев битирувчи синф ўқувчиларини съездда комсомол-ёшлар олдига қўйилган вазифалар билан таништирди.

15-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Ҳ. Мусурмонқулова ўз тенгдошларини мактабни битиргандан сўнг колхозда қолиб ишлашга ва олий ўқув юртларида сиртдан билим олишга даъват этди.

Г. ИУЛДОШЕВА.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ ЖАМИЯТИ СОВЕТИ ИЙҒИЛИШИДАН

Гаплар янгича, ишлар эскича

ОБЛАСТЬ матлубот кооперацияси йирик ижтимоий ва хўжалик ташкилотларидан биридир. Умумий чакана товар оборотининг 46 проценти, қишлоқ жойларида эса қарийб 90 проценти кооператорлар зиммасига тушади. Тайёрлов тармоқлари орқали ҳар йили 150 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёлари оборотга киритилмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида спиртли ичимликларни ҳисобга олмаганда чакана товар оборати 12,2 процент ўсди. Аҳолидан шартнома нархлар билан харид қилиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 74,5 процент кўпайди. Кооператив ташкилотларда озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш ҳам анча ошди.

Ўтган хўжалик йилида сабзавот, картошка, жун, бошқа бир қатор хом ашёлар планда белгиланганидан анча ошириб харид қилинди. Шунингдек, умумиттифоқ фондига мева ва сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш планлари ҳам анча ортиғи билан бажарилди.

Область матлубот жамияти Советининг навбатдаги йиғилишида область кооператорлари қўлга киритаётган ана шу ютуқларни қайд этиш билан бирга йўл қўйилаётган жиддий камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмаётган резерв ва имкониятлар, ҳал қилиниши зарур бўлган қатор муаммолар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Область матлубот жамияти правлениеси раиси У. Мираюпов правлениенинг 1986 йилги иш якунлари юзасидан ҳисоботи ҳамда область кооператорларининг қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати соҳасидаги кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида қилган докладида эришилган ютуқлардан кўра кўпроқ бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида гапирди. Матлубот кооперацияси ихтиёридаги катта потенциалдан мутлақо қониқарсиз фойдаланилмоқда, деди у. Аввало, область матлубот жамияти правлениеси, қолаверса район ва қишлоқ матлубот жамиятлари ҳам кооператив хўжаликларга раҳбарлик қилишда жиддий нуқсонларга йўл қўймоқдалар.

Бутун ишни қайта қуриш, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш соҳасидаги партия кўрсатмаларини амалга оширишда ўта сусткашлик ва журъатсизлик қилинмоқда. Қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатишнинг қониқарсиз аҳволда эканлиги, зарур моллар ҳамда кундалик эҳтиёждаги маҳсулотлар савдосидаги узилишлар, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги нотўғри ишлар, ҳисоб-китоблардаги чалкашликлар, камомат ва бошқа қонунбузарликлар ана шу сусткашлик оқибатидир.

Кўпгина кооператив ташкилотларнинг раҳбарлари ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан юзаки муносабатда бўлмоқдалар. Улар ҳақиқий вазиятни, қайта қуришга тўсқинлик қилаётган иллатни ҳар томонлама чуқур ва танқидий таҳлил этишга одатланмаяптилар. Ишнинг самараси ва сифатини оширишга ёрдам берадиган резерв ва имкониятларни излаб топиб, ишга сололмаяптилар. Бир сўз билан айтганда қайта қуриш, жадаллаштириш ҳусусида кўп гапирилаяпти-ю, аммо ҳеч қандай ўзгариш бўлмаяпти, иш эскича усулда давом этмоқда.

Бутун ўтган йил давомида ва шу йилнинг тўрт ойлик якуни бўйича чакана товар обороти планининг бажарилишида таҳликали вазият вужудга келганлигининг асосий сабаби ҳам шунда. Агар 1986 йилда область кооператив системасида план 99,4 процент бажарилиб, 4,5 миллион сўмлик маҳсулот кам сотилган бўлса, шу йилнинг ўтган тўрт ойи давомида бу қолоқлик янада кучайиб, план 94,6 процентда қолиб кетди.

Товар обороти планини йиллар давомида сурункасига бажармай келаётган, кооператив мулкни талон-торож қилаётган, камоматларга йўл қўяётган кооператив ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарларига нисбатан ҳамон кўнгилчанлик қилиняпти. Уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмаяпти. Ҳолбуки, ишни эплолмайдиган, мунтазам жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўядиган бундай раҳбарлардан тезроқ халос бўлиш, тармоқни ҳалол, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган раҳбарлар билан мустаҳкамлаш давр талабидир.

Область матлубот жамияти системасида кооператив мулкнинг даҳлсизлигини таъминлашнинг бугунги аҳволи ташвишли бўлиб турибди. Чунончи, ўтган йили жами 109 та камомат ва ўғирликка йўл қўйилди. Бундан 1 миллион сўмликдан кўпроқ зарар кўрилди. Ана шу суммадан бор-йўғи 463 минг сўми ундириб олинди, холос. Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Ўрта Чирчиқ ва Чиноз районлари матлубот жамиятларида, айниқса, йирик камоматларга йўл қўйилди.

Шу йилнинг ўтган тўрт ойи давомида ҳам 35 та камомат ва ўғирлик юз берганлиги қайд этилди. Ўзлаштириб юборилган 213 минг сўмдан бор-йўғи 81 минг сўми ундириб олинди. Бундай иллатларнинг асосий сабаби кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш принциплари системали равишда бузиб келинаётганлиги, ҳисоб-китоб ишларининг яхши назорат қилинмаслигидир. Кадрларнинг ишчанлик, сиёсий ва ахлоқий жиҳатлари иш давомида ўрганиб борилмаяпти, кадрлар резервини тайёрлаш йўлга қўйилмаган. Шунинг учун ҳам соҳада камомат ва ўғирликдан ташқари порахўрлик, совет савдоси қонунларини бузиш, қўшиб ёзиш каби иллатлар ҳам камаймаяпти.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар область матлубот кооперацияси фаолиятига танқидий ёндашиб, планларнинг бажарилиши, савдо маданиятининг ошишига тўсқинлик қилаётган камчилик ва нуқсонларни очиб ташладилар.

Область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари О. Г. Айдаков йиғилишда нутқ сўзлади.

Йиғилишда область партия комитетининг иккинчи секретари Р. А. Попов иштирок этди.

ЎРГАНАЙЛИК

мулоҳаза юритади

Дарвоқе, чойхона қанча ёзилгани ва гапирилганига қарамай ҳамон эътибордан четда қолаётган муаммолигича турибди. Оқибатда, чойхона давлат умумий овқатланиш корхонаси эмас, чойхоначининг шахсий мулкилигича қолиб келмоқда. Юқорида айтилган Дендропаркда бор-йўғи иккита чойхона бор. Наманганнинг марказий истироҳат боғида — кичкина боғнинг турли чеккасида бешта чойхона ишлаб турибди, ҳар бирида 10—15 тадан қозон қайнаяпти. Ҳаммасида ошга ва бошқа таомларга барча масаллиқ бор, белгиланган қатъий нархда сотиляпти. Учта чойхонанинг олдида гўшт дўкони очиқ, янги сўйилган қўй ва мол гўштлари билан кооператив нархда савдо қилиняпти. Сўриларда эса эркаклар, аёллар, болалар. Ўзлари тотли таомлар тайёрлаб хордиқ чиқаришмоқда. Хўш, бунинг нимаси ёмон?! Чойхонада дўстлар билан, болачақанг билан ўзинг таом тайёрлаб, кўк чой ичиб хордиқ чиқарип, ширин суҳбат қуриш қўпчилик учун ҳамон орзу бўлиб қолмоқда.

Нега хордиқ масканларида ошхоналар бору, чойхоналар йўқ? Чунки... ошхоналардан даромад тушади. «Чойхона ўзини оқламайди». Бу гапни (кейингисини, албатта) менга ошхоналар трестининг раҳбарлари айтишган.

Худди шунинг учун — чойхона салмоқли қўшимча даромад манбаи бўлмагани учун умумий овқатланиш трестлари унга ўгай кўз билан қараб келишмоқда, ўзларининг тасарруфидаги чойхоналарни ҳам «маҳалланинг ихтиёри»га бериб, қутулиб олишган.

...Мен Варнанинг дам олиш комплексларида юрганимда, Тошкент областидаги хушманзара жойлар кўз олдимдан ўтди. Олимларнинг далолатича, Бўстонлиқнинг табиий-иқлим шароитлари, ҳавосининг ҳузурбахш ва шифобахшлилиги жаҳонга машҳур курорт ўлка бўлмиш Швейцариядагидан қолишмас экан. Тўғри, Бўстонликда дам олиш уйлари ва санаторийлари бор. Бироқ, улар етарли эмас. Яқинда якшанба куни Хумсон қишлоғининг нариги чеккасида, «Ўзбекбирлашув» санаторийсининг олдидаги қишлоқчадан бир оғайнининг дачасини қидиришга тўғри келди. Бир нарса ҳайрат ва афсусга солди: ҳар бир хонадоннинг ҳар битта дарахти остида шаҳардан борган бир оилани кўриш мумкин! Одамлар бола-чақалари билан бориб, ўша дарахт тагида овқат тайёрлашяпти, хордиқ чиқаришмоқда. Сал нарида, пастда Угам дарёсининг муздек шаффоф суви тошдан тошга урилиб, шовқин қўтариб оқмоқда. Унинг қирғоғида ярим-бир соат шунчаки сувга термулиб ўтиришнинг ўзи шаҳарда орттирган бир ойлик чарчоғингизни чиқариб юборади. Лекин ана шу «ярим-бир соат» ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. У жуда қиммат: бояги ҳар бир дарахтнинг соясини шаҳарлик оилалар хонадон эгасидан фалон пулга сотиб олган. У ҳам етишмайди!..

Ҳолбуки, Угам дарёси сал бери келгач Чорвоқ сув омборидан чиқаётган дарёга қўшилади ва катта Чирчиқ дарёсини ташкил этади. Чирчиқ суви Тошкентга келади. Жазирама саратонда одамга мўмиёдек ёқадиган бу сув Хумсондан Тошкентгача 100 километрга яқин масофани босиб ўтади. Бу юз километр қирғоқларида эса икки миллиондан ортиқ Тошкент аҳолисининг бир қисми оммавий хордиқ чиқара оладиган дам олиш комплекслари, зоналарини қуриш мумкин бўлган қанча жойлар ҳувиллаб ётибди! Ана шу зоналарни қуришга кетадиган маблағни эса савдо ва маиший хизмат учун олинадиган ҳақ билан қисқа муддатларда қоплаш мумкин эмасми? Қолаверса, яхши ҳордиқ чиқарган одамнинг меҳнат унумдорлиги одатдагидан юқори бўлиши ҳеч ким учун янгилик эмас. Демак, ҳафта мобайнида унумли меҳнат ҳам ўша харажатлар ўрнини қоплайди. Фақат, завод ёки фабрикада ишлаб чиқарилган ортиқча маҳсулот фойдаси дам олиш объектлари қуришга маблағ олинган чўнтакка эмас, бошқасига тушади. Бироқ, давлатнинг чўнтаги битта эканлигини унутмаслигимиз, бунинг учун эса, давр, партия талаб қилаётганидек, маҳаллийчилик ва маҳкамачилик доирасида фикрлашдан ташқарига чиқишимиз керак.

Энди Тошкент шаҳрининг ўзига қайтсак, қўлига қалам тутган ҳар бир катта-кичик қаламкашнинг нигоҳидан четда қолмаган — висол манзили сифатида тасвирланган Анҳор бўйларида ҳам оилавий дам олишни ташкил этадиган ўнлаб километр жойлар бор. Ташландиқ ҳолатда ётган соҳилга яқин жойларни текислаб, дарахт ва гуллар экиб, ҳозир муаммо бўлмай қолган енгил зонтлардан иборат музқаймоқ кафелари, сув дўконлари, болалар ўйини воситаларини қуриш жуда осон иш бўлмаса-да, миллион-миллион талаб қиладиган жуда қийин ва катта иш ҳам эмас. Фақат бунга жон куйдирадиган, ўн йиллар давомида қолипга тушиб қолган кундалик одатдаги ишлардан ортиб буларга бош қотиришга вақт топадиган ва амалий ишга йўл очадиган мутасадди шахслар керак. Зеро, мамлакатимизда кенг одимлаётган қайта қуриш йўли катта-кичик раҳбарлардан мана шу хислат ва фазилатларни тақозо этмоқда...

Юқоридагиларни Болгария халқининг ишбилармонлигига ҳавасдан, бу яхши хислатларни ўзимизда ҳам татбиқ этиш истаги туфайли ёздим. Ўзимизда йўқларнигина ёздим. Уларда йўғу бизда бор тажрибалар ҳам талай. Лекин мақсад — борини мақтаниш эмас, йўғини ўрганиш.

Хўжалик юритишда ишбилармонлик, кескин бурилишлар, чамаси, кескин тадбирлар орқали рўй беради. Мамлакатимизда олтита министрлик ягона Агросаноат комитетига бирлашиши айнан шундай тадбир бўлди. Жайдариқ қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги 6 та чўнтак ўрнида битта чўнтак вужудга келди. Демак, маҳкамачилик нуқтаи назаридан келиб чиқадиган «торт-торт»ларга чек қўйилди. Ўтган ҳафтада Тошкентдаги «Ленинград» меҳмонхонасининг буфетига кирдим. Ўн-ўн беш киши навбатда турибди, ҳаммаси меҳмонлар. Ҳар бири 5—10 қутилаб бир нима харид қиляпти. Конфет қутиси устига Шарқ услубидаги кўркам зангори бинонинг тасвири туширилган. Чиройли, ихчам. Бироқ у конфет эмас, конфетни бунча кўп харид қилишмайди, Тузукроқ қарасам, қутидаги «Хурмаи» ёзувига кўзим тушди. Яна, сигарет қутисига ўхшаш чиройли қутичадан ҳам бир нечталаб харид қилишмоқда. Унга «Изюм» деб ёзилган. Мен ҳам улардан иккитадан сотиб олдим. Арзон — эллик-олтмиш тийиндан. Катта қутидагини хурмо деб ўйладим. Уйда болалар чиройли қутиларни кўриб қувониб кетишди, «мармалад» дея шошиб очишди-да, «ва-ай» дейишди хафсалалари пир бўлиб. Қарасам, қутига икки юз граммча... туршак жойланган экан! Қўлимга олиб ортини ўқидим: «Тўрақўрғон қуруқ мева заводи». Устида: «Урюк-хурмаи». Гапнинг очиғи — хурсанд бўлиб кетдим. «Қилса бўлар экан-ку!» дедим беихтиёр...

Бу ва бунга ўхшаш ўзгаришлар, яхши ўзгаришлар, юқорида айтилган кескин тадбир—агросаноат комплексининг дастлабки мевалари экани, қайта қуришнинг ҳосиллари экани, шубҳасиз. Мана шундай ҳосилларни фақат қишлоқ хўжалигида эмас, балки саноатда ҳам, маиший хизматда ҳам, савдо ва медицинада ҳам кўпайтириш — даврнинг долзарб вазифаси. Бу соҳаларнинг ҳаммаси охир-оқибатда бир нарсага — халқнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга, ҳаётни мазмунли, вужуди соғлом-кўркам бўлишига хизмат қилади!..

Мақоладаги мулоҳазалар ҳаётда қандай акс этиши мумкинлиги билан қизиқиб, буларни айрим мутасадди ўртоқлар билан маслаҳатлашдим.

Тошкент шаҳар ресторанлар трести бошқарувчисининг қурилиш бўйича ўринбосари Бахтиёр АЗИМОВ:

— МАҚОЛАДА ўртага ташланган таклифлар менга ёқди. Қолаверса, ана шундай енгил типдаги ресторан-кафеларни фойдаланишга топширишдан фақат аҳоли эмас, биз ҳам манфаатдормиз. Бироқ, Госплан бизга фақат йирик қурилишлар учун маблағ ажратади. Майдаларини кредитга қурингилар, дейишади. Кредит бўйича қурилганда материални ҳам, ишчи кучини ҳам ўзимиз топишимиз керак. Бу эса осон эмас, баъзан ноқонуний ҳам. Карл Маркс кўчасида ўтган йилги ана шундай «енгил ресторанлар» қурилишида бу қийинчиликни кўрдик. Ошна-оғайниларга, таниш-билишларга бош эгиб бордик — ёрдам қилишди. Агар «бу менинг ишим эмас, давлатники» деб бош эгмай юраверсангиз, иш битмайди. Лекин, илтимоснинг ҳам чегараси бор. Чунки илтимосингизни бажарши учун Сизга қурилиш материали бошқа корхонанинг ҳисобидан, яъни тартиб-қоидани бузиб берилади. Ҳисоб-китобсиз ҳеч нарса йўқ-ку. Шунинг учун, агар мана шунақа енгил ёзги кафе-ресторанларга шаҳар план бўлими қонуний маблағ ажратса ва қурилиш материаллари билан жиллақурса 60—70 фоиз таъминласа, қолганини ўзимиз битказиб оламиз. Ишчи кучи ҳам керакмас, хашар қиламиз: трестимизда 5 минг кишилик коллективнинг учдан бир қисми ёшлар.

Жой масаласи муаммо эмас. Масалан, «Ленинград» меҳмонхонасидан «Ганга» магазинигача катта йўлнинг ўртасидаги дарахтзорда бирон дарахтни нобуд қилмасдан, Анҳор бўйларида ана шундай ёзги маданий масканларни — фақат шарбат ва тотли таомлар билан хушнуд этадиган кафе-ресторанларни қуриш мумкин. Бу жойлар санъаткорлар билан учрашув муассасалари бўлиб ҳам хизмат қилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг бошлиғи Мираброр УСМОНОВ:

— ЧОЙХОНАЛАР ҳақидаги фикрга қўшиламан. Шу билан бирга кейинги ярим йил ичида бу соҳада қилинган ишларимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Мақолада таклиф қилинган замонавий чойхоналарни Фрунзе районидаги А. Авлоний номли, Киров районидаги Улуғбек номли маҳаллаларда қуриб фойдаланишга топширдик. «Шарофат», «Улуғбек» деб номланган бу чойхоналарда нон ёпадиган тандирлар, маҳалла комитети раисининг қабулхонаси, мажлислар зали, маҳалланинг идиш-товоғи сақланадиган хоналар бор. Йил охиригача яна саккиз районда шундай чойхоналарни қуриш мўлжалланган. Бироқ...

Бу ишнинг ҳаммаси бизнинг қўлимиздан келмайди — қурувчи эмасмиз, қурилиш материалларимиз ҳам йўқ. Бунда бизга район раҳбарлари ёрдам берсалар, қўллаб-қувватласалар, иш тез битади. Юқоридаги икки районда хусусан биринчи секретарлар С. Хўжаева ва Ш. Маҳмудоваларнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли мақсад мўлжалдагидан знёда амалга ошди. Айрим раҳбарлар эса ошхона-чойхоналар қуришни талаб қилишади-ю, бу ишда бизга яқинроқ келишни исташмайди. Биз ободончилик, халққа қулайлик яратиш учун маблағни йўқ бўлса ҳам топамиз, қурилиш материали ва ишчи кучидан эса ёрдам керак, қўллаб-қувватлаш керак. Чилонзор районининг янги раҳбарлари бу нарсага эътиборни кучайтиргач, кейинги бир йилда 10 га яқин умумий овқатланиш шохобчаларн қурилди. Собир Раҳимов, Октябрь районларн раҳбарларн ҳам корхоналар қуриш ташаббусимизни қўллаб-қувватлаб, ёрдам беришмоқда. Яқинда миллий таомлар ресторанини қуриш ҳақидаги таклифимиз маъқулланди. У ва бошқа замонавий чойхоналар ишга тушгач, меҳнат коллективларининг ўзаро йиғилишларини ташкил этиб, бу кечаларда ошпаз ва қандолатпазлар, спортчилар, санъаткорлар, ажойиб тақдирли кишилар билан учрашувлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Булар — яқин келгусида ҳаётда акс этадиган режалардир.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ

РЕДАКЦИЯДАН: мақола муаллифи билан ижрочиларнинг фикри бир жойдан чиқяпти. Бироқ, кўряпмизки, ижро ниҳоясига етиши учун яна бошқа муаммолар кўндаланг бўлди. Ўйлаймизки, уларни ҳал этадиган масъул кишилар ҳам халқ турмуш фаровонлигини, маданий даражасини оширишга хизмат қиладиган бу тадбирларнинг ечимига лоқайд қарамайдилар.

БИЗ — ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

ДЎСТЛИККА САДОҚАТ

Анчагина ибратли ишлари билан пойтахтимизнинг Фрунзе районида танилган 73-ўрта мактабда «Дўстлик» сўзи инсонлар ҳаётида катта маъно касб этишини ҳар бир ўқувчи юракдан ҳис қилади. Болалар билан суҳбатлашганда ҳам, турли альбомларни кўздан кечирганда ҳам бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Мактабнинг расм ўқитувчиси Ф. Муртазоев ўтказган «Мен дунёни кўряпман» конкурсини олиб кўрайлик. Ўқувчилар тинчлик мавзуида ўзлари тасаввур этган суратларни асфальтга чизар эканлар, қанчадан-қанча завқ олдилар. Кейин конкурсни интернационал дўстлик клубининг етакчилари С. Турсунбоева ҳамда Н. Камолиддиновалар педагог билан биргаликда баҳоладилар. Тўртинчи ва бешинчи синфларда ўтган бу кўрик ўқувчиларнинг аксариятида гўзалликка интилиш, тинчликка садоқат туйғуси яхши шаклланганлигини кўрсатади.

Клуб аъзолари амалга ошираётган тадбирлардан яна бири афғонистонлик пионер ва ўқувчиларга ўз қўллари билан совға тайёрлаб уларга юборишда ўз аксини топмоқда. Демократик республикада ўзининг интернационал бурчини ўтаб келган Х. Усмонов билан мактабда бўлиб ўтган учрашув бу ҳамкорлик ҳақидаги болалар тасаввурини янада бойитди. Собиқ аскар у ерда афғон болалари рус тилини севиб ўрганаётганликлари, улар ҳам душманга қарши курашда катталарга ёрдам бераётгани ҳақида гапириб берди.

Республика халқ маорифи аълочиси М. Шукурова бошчилигидаги турли шаҳарлар тарихини ўрганиш бўйича уюштирилаётган сафарлар ҳам интернационал дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, Киев, Волгоград шаҳарлари ҳақида йиғилган бой маълумотлар бундан далолат беради.

Педагог бошчилигида 7 — 8 синфларда ўтказилган «Сиёсий қўшиқ» суҳбат конкурси ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Унинг натижалари тўғрисида болалар «Биз — интернационалистлармиз» деворий газеталарида ҳикоя қилдилар.

Бу тадбирлар изсиз қолмаяпти. Ўқувчилар турли миллат фарзандларининг бири-бири билан дўстлиги катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниш билан бирга бу дўстликни янада жипслаштиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Масалан, юқори синф талабалари 1-пойабзал фабрикасида ишлаб топган иш ҳақларидан 100 сўмини Чернобиль фондига ўтказдилар.

З. МИРЗАЕВА,
ТошДУ студенти.

РАҚС БИЛИМ ЮРТИДА

● АЛИШЕР Навоий номли опера ва балет Катта театри қошида ўзбек хореография билим юрти ташкил этилганига бу йил 40 йил тўлади. Ўтган давр мобайнида бу ерда таълим олган 1070 нафар талаба эндиликда турли театрлар, маданият саройлари ва клубларда ижод қилмоқда. Билим юртининг собиқ ўқувчилари фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Москва, Ленинград ва бошқа қардош республикаларда ҳам меҳнат қилишади. Айни кунларда бу ерда йигирмадан зиёд турли миллат вакиллари санъат сирларини эгаллашмоқда. Суратларда: (юқорида) ёш санъаткорлар А. Навоий номли театр саҳнасида ўз маҳоратларини намойиш қилишаётир; (пастда) талабалар дам олиш чоғида ҳам рақс ҳақида суҳбатлашишади.

А. Рисқиев фотолари. (ЎзТАГ).





КИЧКИНТОЙЛАР ЧИЗГАН РАСМЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети нашриёти қошидаги «Красный печатник» клубида маданий-спорт байрами бўлиб ўтди. Программада вокал ансамбларининг чиқиши, шахмат-шашка, стол тенниси, спорт аттракционлари бўйича мусобақалар қизғин тус олди. Спорт учрашувлари давом этаркан К. Анастасиадис раҳбарлик қилаётган «Ми-фа» ансамбли ўз репертуаридаги қўшиқларини намойиш этди. Унинг иштирокчилари ўқувчилардир. Олти йилдан бери ансамблга қатнаб келаётган Усеин ва Эльмас Велиевлар, ака-сингил Семириковаларнинг чиқишлари томошабинларга манзур бўлди.

— Нима учун ансамблнинг оти «Ми-фа?» — деб савол берамиз Константин Анастасовичга.

— Музикада еттита товуш бирлиги бор. Ҳар бирининг оралиғидаги масофа катта. Фақат ўртадаги иккита товуш бирлиги бир-бирига яқин туради. Бир хил ансамбларни олиб қўринг: уларнинг аъзолари ё фақат ўғил болалар ёки қизлар. Бизнинг ансамблда эса ҳам қизлар, ҳам ўғил болалар. Улар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат юзасидан ансамблни шундай атаганмиз, — дея жавоб берди у.

Зуҳра Орифхонова етакчилигидаги «Автограф» замонавий рақс ансамбли, ўзбек миллий халқ чолғу ансамбли қатнашчилари ижросидаги куй ва қўшиқлар ҳам томошабинларни хушнуд этди.

Программага мувофиқ кўрсатилган «Дунё ва болалар» экспериментал-бадиий студиясининг кўргазмасида уч ёшдан олти ёшгача бўлган кичкинтойлар чизган расмлар намойиш этилди. Бу конкурсда ҳали уч ёшга тўлмаган Елена Хавина мукофот олди.

Байрам сўнггида Л. Саакова раҳбарлигидаги «Репортаж» ҳаваскорлик киностудияси ишлаган фильмлар, «Ералаш» киножурналидан парчалар ва «Сеними. шошмай тур!» мультфильмларидан бир нечтаси болалар эътиборига ҳавола қилинди.

Ю. МИРЗАКАРИМОВА.

КЎРГАЗМА

ГДР НАМОЙИШ ЭТАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Архитекторлар союзи биносида «ГДРнинг косметика, автокосметика ва рўзғор химияси» деб номланган ихтисослаштирилган кўргазмаси очилди. Бу кўргазма очилиш маросимига бағишланган матбуот конференциясида кўргазма раҳбари «Косметик — комбинат — Берлин» корхонасининг бош директори ўринбосари В. Фриж сўзга чиқди.

Матбуот конференцияси сўнггида мутахассислар журналистларнинг саволларига жавоб беришди.

«ГДРнинг косметика, автокосметика ва рўзғор химияси» ихтисослаштирилган кўргазмаси 1 июндан 10 июнгача давом этади.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ХАСКОВО ТЕАТРИ ТОШКЕНТДА

ПОЙТАХТ областимиз ва Болгария Халқ Республикасининг Хасково округи меҳнаткашлари ўртасидаги анъанавий қардошлик алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Бу дўстликнинг равнақига санъаткорлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишга ҳаракат қилишмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Театр арбоблари союзи ва республика ЛКСМ Марказий Комитети таклифига биноан Хасково шаҳридаги Иван Димов номли драматик театр коллективи серқуёш ўлкамизга меҳмон бўлиб келди. Болгариялик санъаткорлар Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри биносида болгар драматурги Йордан Радичковнинг «Тўполон» асарини намойиш қилиш билан ўз томошаларини бошладилар.

— Тошкентлик театр санъати ижодкорлари билан дўстлик алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб бораётганидан беҳад мамнунмиз — деди Иван Димов номли Хасково драматик театрининг бадиий раҳбари, БХРда хизмат кўрсатган артист Иван Добчев. — Негаки, ҳозирги даврда санъаткорлар ўртасидаги бундай ошкора мулоқотларнинг роли ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Биз ўзбек томошабинларига репертуаримиздаги энг яхши саҳна асарларидан учтасини олиб келдик. Уларнинг ҳаммаси замонавий мавзуда бўлиб, ҳозирги давр кишилари ҳаётининг турли қирраларини ифодалайди. Биз ўзимизнинг саҳна асарларимизни Ҳамза номли театр ва ёшларнинг «Илҳом» театр-студиясида намойиш этамиз Спектаклларимиз йўл-йўлакай рус тилига таржима қилиниб турилади. Уйлайманки, бу томошаларимиз санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотади. Бизнинг бу ижодий сафаримизга жавобан шу йилнинг октябрь ойида Тошкентдаги «Илҳом» театр-студияси ёшлари Хасковода ўз санъатларини намойиш қиладилар. Табиийки, бу ижодий дўстлик алоқалари ўзбек ва болгар халқларининг қардошлик муносабатларининг янада равнақ топишига хизмат қилади...

Дарҳақиқат, хасковолик ёш санъаткорлар республикамиз пойтахтида томошалар кўрсатиш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш корхоналари, колхоз ва совхоз меҳнаткашлари ҳузурида ҳам меҳмон бўлишиб, уларнинг ҳаёти билан чуқурроқ танишдилар, ижодий учрашувлар ўтказдилар. Шунингдек, меҳмонлар кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрига ҳам сафар қилишади.

Р. ҒАНИЕВ.

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАШДИ

● ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида ўтган якшанба куни 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган область шаҳар ва районларининг тантаналари бўлиб ўтди. Боғнинг ёзги саҳнасида Янгийўл райони «Қалдирғоч» халқ цирк коллективи томошалар кўрсатди. Айниқса, масҳарабозлар ака-ука Рамазон ва Рефат Бакировлар, пантомимачи Чозим Билолов, полвонлар Рустам Эргашев, Баҳодир Кенжабоевлар, фокусчи Бахтиёр Тожибоев, Бекмирза Ўрмоновлар намойиш қилган кўринишларини мухлислар олқишлашди.

— Цирк коллективига 70 киши уюшган бўлиб, улар асосан мактаб ўқувчиларидан иборат, — деди группа раҳбари Дарвешбек Раҳмонов. — Изланяпмиз. Оригинал чиқишларни намойиш қилишга кўпроқ эътибор бераяпмиз. Порахўрлик, чайқовчилик ва шунга ўхшаш қинғир йўллар билан текин даромад топаётганлар, шундай вазиятнинг рўй беришига йўл очиб берувчи шахслар масҳарабозлар ва қизиқчилар ижро этаётган интермедияларда кескин танқид остига олинмоқда.

Саҳнада Янгийўл шаҳар маданият уйи қошида ташкил этилган «Заррин япроқлар» фольклор ансамбли қатнашчилари. Улар «Илилла ёрим» халқ қўшиғини айтиб беришди. Раъно Ҳайитова, Саодат Мирғиёсова, Зулайхо Ортиқова, Иқбол Саидовалар «Омонёр», «Ёр-ёр», халқ лапарлари ва термаларини куйлашди. Бу йил 85 баҳорни қаршилаган Ризвон ая Шокирова рақсга тушганда уни олқишламаган одам қолмади.

Олмалиқ шаҳрининг «Весна», «Фестиваль» маданият уйлари қатнашчилари сув ҳавзасида намойиш этган кўринишларини болалар ва катталар мароқ билан томоша қилишди. Шунингдек, байрам тантаналарида Чиноз районидан Чайковский номидаги музика мактабининг «Ғунча», «Партия XXIV съезди» совхозининг «Оқ чашма» ансамбллари, ғалабаликларнинг ветеранлар хори, «Огонёк» болалар рақс ансамбли, «Радость» қўшиқ ва рақс халқ ансамбли, Бўстонликдан эса В. Н. Киселев раҳбарлигидаги Улуғ Ватан уруши ветеранлари хори иштирок этдилар. Улар ижро этган қўшиқ ва рақслар дилларга қувонч бахш этди.

Бу ерда боғча ва мактаб болалари томонидан тайёрланган рассомчилик, устачилик, ўймакорлик, тикувчилик, тўқувчилик сингари амалий санъат кўргазмаси ташкил этилган. Янгийўл шаҳар 5-болалар боғчасининг тарбияланувчиси Руслан Ортиқовнинг «Болалар тоғда», Светлана Бельбаснинг «Ер шари» расмлари, 1-боғча тарбиячилари Г. Негматованинг «Чойнак», тахтага ўйиб туширилган ишлари, И. Гидяева тайёрланган «Кийик», «Жўжалар» каби шакллари кўргазма иштирокчиларини хушнуд этди.

Т. ИСМАТУЛЛАЕВ.

Реклама ва Эълонлар

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

1 НОЯБРГАЧА
ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 10.00 ДА
Тошкентдаги республика отчопари

СИЗЛАРНИ ОТ ПОЙГАСИ МУСОБАҚАЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бир дона билетнинг баҳоси — 1 сўм.

ОТЧОПАРДА БУЮМЛАР ЛОТЕРЕЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ: ютуқлар орасида иккита «ЖИГУЛИ» автомобили, мотоцикллар, велосипедлар, гиламлар, «РИГА» мопедлари ва бошқа буюмлар бор.

ЛОТЕРЕЯ ТИРАЖИ СОАТ 11.30 ДА ЎИНАЛАДИ.

Бир дона лотерея билетининг баҳоси — 1 сўм.
Отчопарга кириш билети — 1 сўм.

Адрес: Тошкент шаҳри, 156-алоқа бўлими. Халқлар дўстлиги кўчаси. Телефонлар: буюмлар лотереясининг ўтказилишига доир справкалар учун; 76-43-60, 76-76-28; от спорти лотереясининг ўтказилишига доир справкалар учун — 76-75-47.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ОБЛАСТЬ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

«ИНСОН НОМИ МАҒРУР ЯНГРАИДИ» шиори остида

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари, район, шаҳар халқ судлари, судьялари ва халқ маслаҳатчиларига ўтказиладиган сайловлар олдидан

ФИЛЬМЛАР ТЕМАТИК НАМОЙИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Ангрен шаҳри, «ДРУЖБА» кинотеатрида
4—5 июнда — Бахтсизлик бир бошланмасин экан.
6—7 июнда — Дублер ҳаракат қила бошлади.

Бекобод шаҳри, «ЎЗБЕКИСТОН» кинотеатрида
4—5 июнда — Тўй айбланади.
6—7 июнда — Учинчи авлод.

Олмалиқ шаҳри, «ОЛМАЛИҚ» кинотеатрида
4—5 июнда — Огарев кўчаси, 6-уй.
6—7 июнда — Айблов.

Паркент шаҳри, «БАҲОР» кинотеатрида
4—5 июнда — Фақат менгина биламан.
6—7 июнда — Тергов.

Зафар посёлкаси, «НОДИРА» номли кинотеатрда
4—5 июнда —Юбилейни қолдириб турамиз.
6—7 июнда — Жиноят қидирув бошлиғи ҳаётидан.

Чирчиқ шаҳри, НАВОИЙ номли кинотеатрда
4—5 июнда — Тўртинчи доирада тун.
6—7 июнда — Зинуля.

Ғазалкент шаҳри, «БЎСТОН» кинотеатрида
4—5 июнда — Мана ўша йигит қайтиб келди.
6—7 июнда — Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Янгийўл шаҳри, «ПОБЕДА» кинотеатрида
4—5 июнда — Унинг оташин муҳаббати.
6—7 июнда — Куша-кундуз куни.

Чиноз шаҳри, «ВАТАН» кинотеатрида
4—5 июнда — Потапов ҳаётидан.
6—7 июнда — Мана менинг қишлоғим.

Қибрай поселкаси, «СОЮЗ» кинотеатрида
4—5 июнда — Доктор Калинниковнинг бир куни.
6—7 июнда — Менинг азиз кишим.

Солдатское шаҳри, Маданият уйида
4—5 июнда — Мен севган киши.
6—7 июнда — Мозжухиннинг дала гвардияси.

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

Янгийўл шаҳри, «ПОБЕДА» кинотеатрида
4—5 июнда — Косонсойлик бригадир.
6—7 июнда — Жадаллаштириш стратегияси.

Келес шаҳри, «СПУТНИК» кинотеатрида
4—5 июнда — Ота-боболаримиз ўтган ер.
6—7 июнда — Энг шимолдаги шаҳар.

Зафар посёлкаси, НОДИРА номли кинотеатрда
4—5 июнда — Ўзбекистон, Вақт, ишлар, одамлар.
6—7 июнда — Энергия машинасозлигида НОТ.

Олмалиқ шаҳри, «ОЛМАЛИҚ» кинотеатрида
4—5 июнда — Қанот фонидаги портрет.
6—7 июнда — Ҳукм кучга кирди.

Оҳангарон шаҳри, «ВОСХОД» кинотеатрида
4—5 июнда — Бутун умр бўйи.
6—9 июнда — Пермяков, Қишлоқ Совети.

Янгибозор посёлкаси, «ОКТЯБРЬ 50 ИИЛЛИГИ» кинотеатрида
4—6 июнда — Анна Дубровскаянинг бошоғи.
7—8 июнда — Ёниш.

Паркент шаҳри, «БАҲОР» кинотеатрида
4—5 июнда — Зарян депутатлари.
6—7 июнда — Прокурорлар.

Ғазалкент шаҳри, «БЎСТОН» кинотеатрида
4—5 июнда — Эътиқод.
5—7 июнда — Имконият даражасида.

Тўйтепа шаҳри, «ВЛКСМ 40 ИИЛЛИГИ» кинотеатрида
4—5 июнда — Кичик ер нима бера олади.
6—7 июнда — Хўжайинлар.

Янгиобод шаҳри, «РАДУГА» кинотеатрида
4—5 июнда — Танлов.
6—7 июнда — Юксак довон.

Чирчиқ шаҳри, НАВОИЙ номли кинотеатрда
4—5 июнда — Ўғил, набира, чевара.
6—7 июнда — Олам яхшиликдан бошланади.

Ангрен шаҳри, «АНГРЕН» кинотеатрида
4—5 июнда — Ҳамма учун фойдали система.
6—7 июнда — Бригада.

Қибрай посёлкаси, «СОЮЗ» кинотеатрида
4—5 июнда — Тош-ер бекаси.

БУГУН НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчи Совет навбатдаги қабулни бугун — 3 июнь соат 17.00 дан бошлаб ўтказади.

Жамоатчи Совети қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ СОВЕТИ ҚАБУЛХОНАСИ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

ВЕНАДА МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР

ВЕНА, 1 июнь. (ТАСС). Бу ерда Атлантикадан Уралгача — Европадаги қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартиришга бағишлаб ўтказиладиган музокараларнинг мандатини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан Варшава Шартномаси ва НАТО мамлакатлари вакилларининг маслаҳатлашувлари доирасида навбатдаги учрашув бўлди.

Социалистик давлатларнинг вакиллари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети Берлинда бўлиб ўтган кенгаши якунларини ҳамда бу якунларнинг Европадаги қуролли кучларни ва оддий қуроляроғларни тактик ядро қуроли билан бир комплексда реал қисқартиришга ўтиш учун бўлган аҳамиятини мунозара марказига қўйдилар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ҳарбий доктринасининг мудофаа характери тўғрисида Сиёсий маслаҳат комитетида қабул этилган ҳужжатга ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашувчи мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг учрашувини ўтказиш тўғрисидаги таклифга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай учрашув Европадаги қуролли кучларни ва оддий қуролларни, тактик ядро қуролини тубдан қисқартириш мақсадида кенг миқёсли музокаралар бошлаш ва ҳарбий ҳаражатларни тегишли равишда қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилган бўлур эди.

ЛИВАН БОШ МИНИСТРИ ҲАЛОК БЎЛДИ

БАЙРУТ, 1 июнь. (ТАСС). Ливан радиостанциялари мамлакат Бош министри Рашид Карамениинг ҳалок бўлганлигини хабар қилдилар. Ливан армияси қўмондонлигининг расмий хабарига кўра, Р. Карамеме, ички ишлар министри Абдалла Ар-Раси, шунингдек бир неча офицер ва ҳамроҳлик қилувчи кишилар тушган ҳарбий вертолёт ичида портлаш содир бўлди. Триполи шаҳридан Байрутга келаётган вертолёт Ливан ҳарбий-ҳаво кучларининг Ҳалят базасига қўнишга муваффақ бўлди. Фалокатзадалар касалхонага келтирилди.

Баъзи хабарларга кўра вертолётда Бош министр ўринбосари остида портловчи қурилма бўлган.

ЭРОН-ИРОҚ ФРОНТИДАГИ ЖАНГЛАР

БАҒДОД, 1 июнь. (ТАСС). Ироқ расмий ҳарбий вакилининг айтишича, 13 апрелдан бошлаб, душман фронтнинг шимолий участкасида ҳужумни кучайтиришга уринган пайтдан буён бўлган жанглар давомида Эрон қўшинларига оғир талафотлар етказилди. Эроннинг 6000 дан кўпроқ аскари ўлдирилди ва 20 мингга яқини яраланди, кўп миқдордаги ҳарбий техника қўлга олинди.

НИКОСИЯ, 1 июнь. (ТАСС). ИРНА агентлигининг хабар қилишича, Эрон ҳарбий-денгиз кучлари Абдаллах бўғозида Қувайтга қарашли еттита катерни ушлаб олганлар. Агентликнинг таъкидлашича, бу катерларнинг командалари балиқчи ниқоби остида «Ироқ фойдасига разведка маълумотлари тўплаш билан шуғулланган». Хўрмуз бўғозида Ироққа аталган юкларни аниқлаш мақсадида ажнабий юк кемаларидан йигирматаси тўхтатилиб текширилган.

АҚШ КЕСКИНЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

ВАШИНГТОН, 1июнь. (ТАСС). Оқ уйнинг регионда Америка ҳарбий ҳозир-нозирлигини кучайтириш йўли билан Форс кўрфазида «кема қатнови эркинлиги»ни таъминлаш зарурлиги тўғрисидаги даъволари АҚШ маъмуриятининг жаҳонгирлик ниятларини ҳас-пўшлашга хизмат қилади. «Маъмуриятнинг расмий вакиллари,— деб таъкидлайди «Ю. С. Ньюс энд уорлд рипорт» журнали,— региондан нефть етказиб берилишига кафолат бўлиши учун Американинг Форс кўрфазидаги ҳозир-нозирлиги кенгайтирилиши керак» демоқдалар.



● КХДР тўқимачилик саноати республика халқ хўжалигининг тез ривожланаётган тармоқларидан биридир. Сўнгги йилларда унинг техника даражаси ошди, газламалар ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш кўпайди. Суратда: Кэнсон трикотаж фабрикаси цехида.

ЦТАК—ТАСС фотоси.

МЕҲНАТСИЗ ДАРОМАДГА—ЙЎЛ ЙЎҚ!

ҲАР КИМ ЭККАНИНИ ЎРАДИ

ГЕННАДИЙ Владимирович Зиновьев «Узагропромстрой»нинг 23-қурилиш трестига қарашли 72-механизациялашган колоннага 1985 йилнинг ўрталарида бошлиқ бўлиб тайинланди. Одатда янги бошлиққа ишонч ҳам топшириқ ҳам бошқача бўлади. Зиновьев бошлиқ колонна қурувчиларига ўша йилиёқ пландан ташқари 80 квартирали иккита турар-жой биноси қуриш вазифаси топширилди.

Уй-жой биноси қаддини ростлаб, фойдаланишга ҳам тахт бўлди, ҳисоб. Лекин полига ҳали линолеум қопланмаган эди. Чунки, бу қурилиш матоҳи ҳеч қаердан топилмасди.

Боши берк кўчага кириб қолган колонна бошлиғи сметадан ташқари маблағ — линолеум топиш учун кўрсатма тайёрлатди. Лекин эгри йўл билан топилган бу материал объектларга эмас, ҳайдовчи Тўйчи Абдуллаев орқали гумдон қилинди.

Хайрият бу иш хамиридан қил суғургандек, осонгина битди. Уларнинг мушугини пишт, дейдиган кимса чиқмади. Бундан дадилланган колонна бошлиғи иккинчи бор омборхонадан 80 квадрат метр ДСП ёздириб олди. Ҳовлида ётган 2,5 метр куб тахта ҳам кўзига «ортиқча» бўлиб кўринди. Бу материалларнинг ҳаммаси товуқчилик фабрикаси қурилишига сарфланди, деган ҳужжат тайёрланди...

— Мен Зиновьевга нима қиляпсиз, ахир товуқхона қурилишига бундай материал ишлатилмайди, деб эътироз билдирсам, менга ревизор керак эмас, деди, — дея кўрсатма берди колонна бошлиғининг ўринбосари Т. Усмонов суд залида.

Қизиқ, шундай масъул лавозимда ўтирган шахс битта пўписа билан оғзига талқон солиб, давлат мулкини талон-тарож қилиш орқали текин даромад орттирувчиларга томошабин бўлиб ўтирса!

Энди ҳайдовчи Т. Абдуллаевнинг сўзини эшитинг:

— Бошлиғимиз Зиновьев мени чақириб, бу қурилиш материалларини сотиб келишни буюрганида дастлаб бош тортдим, қўлга тушиб қолсамчи, дедим. У «Ҳаммаси учун ўзим жавоб бераман» деди.

Ҳа, Зиновьев ҳам, Т. Усмонов, Т. Абдуллаев ҳам ҳамма қилмишлари учун суд олдида жавоб беришди.

Одатда ҳамиша шундай бўлади: жиноятчилар дастлаб ҳожатбарорлик билан ўзаро тил бириктиришадида, бир-бирларининг соясига кўрпача тўшаб, оғиз-бурун ўпишишади. Қилмишлари фош бўлгач, улар зўр бериб бир-бирларига тош отишади. Айбларини бўйинларидан соқит қилишга баҳона қидиришади. Ўз чўнтакларига ўзлари ўғриликка тушган 23-трест раҳбарлари ҳам шундай қилишди. Лекин бу билан ҳеч нима ўзгариб қолгани йўқ. Ҳар ким экканини ўради, улар қилмишларига яраша жазоларини олишди.

М. ҚОСИМОВА.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

СОВЕТ ФУТБОЛЧИЛАРИ ФИНАЛДА

● УСМИРЛАР ўртасида (16 ёшгача) Европа чемпионатида қатнашаётган СССР терма командаси ярим финалда француялик тенгдошлари билан учрашди. Ўйин 0:0 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Ўн бир метрлик жарима тўплари тепишда совет футболчилари 3:0 ҳисобида ғолиб келдилар ва финалда Италия терма командаси билан учрашадиган бўлишди. Италия футболчилари ярим финалда Туркия командаси устидан 1:0 ҳисобида ғолиб келишди.

МАЙДОН ЭГАЛАРИ УСТУНЛИГИДА ЎТДИ

● МАМЛАКАТ чемпионати иккинчи лигаси еттинчи зона қатнашчиларининг навбатдаги тур ўйинлари майдон эгаларининг тўла устунлигида ўтди. Тўққизта ўйиннинг олтитасида мезбонлар ғолиб келган бўлса, икки ўйин дуранг бўлиб тугади, фақат бир учрашув меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. «Соҳибкор» ҳам, «Металлург» ҳам сафарда ўйнаб енгилди. Янгийўл футболчилари Хоразмда 1:2 ҳисобида ютқазишган бўлса, «Металлург» Хўжандда ўз дарвозасидан бешта жавобсиз тўп ўтказиб юборди.

Шу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Целинник» — «Трактор» — 2:1, «Сурхон» — «Динамо» — 3:1, «Вахш» — «Зарафшон» — 2:2, «Ёшлик» — «Косонсойчи» — 2:2, «Янгиер» — «Пахтакор» — 4:1, «Нефтянник» — «Олой» — 3:1, «Автомобилист» — «Олға» — 0:2.

Зонада 15 тадан очко тўплаган «Нефтянник» ва «Целинник» командалари пешқадамлик қилишмоқда. «Олға» ҳисобида 14 очко бор.

Р—08782. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. В. 1584. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент Ленинград кўчаси, 32

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.